O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 21-AVGUST ■ SHANBA ■ 98-99 (27.274) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«ЯККАБОҒТЕКС» — УШАЛГАН ОРЗУ

... Бу жойлар бундан икки-уч йил илгари ташландиқ бўлиб ётарди. Қисқа фурсатда улкан «Яккабоғтекс» қўшма корхонаси қад кўтарганига ишонгинг келмайди... Яккабоғликлар мустақилликка қадар ўзлари етиштирган пахтани ўзлари қайта ишлашни фақат орзу қилишарди. Мана энди ўша орзу ушалди.

2003 йилнинг 25 мартида «Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонаси рўйхатдан ўтди. Устав жамғармаси 1813 минг евро деб белгиланди. Шундан илгари бу ердаги «Ўзбекистон» корхонасининг улуши 1263 еврони ташкил этди. Олмониялик таъсисчи «Унитехна Индустриалаген ГМ БХ» фирмасининг улуши эса 550 минг евро бўлди. Республика «Асака» давлат тижорат банкидан Олмония «Коммерцбанк»и ҳамкорлигида 5,3 миллион еврога тенг узоқ муддатли кредит олинди. Қурилиш жадал бошланиб, тез суратда давом этди.

— Асли шаҳрисабзликман, институтдан тўғри шу ерга келдим, — дейди корхона бош технологи Аслам ЭШБОБОЕВ. — Пахта толасидан ип калаваси тайёрлаш анча мураккаб жараён. Корхонага Олмониянинг «Трютчлер» ва Чехиянинг «Элтекс» фирмаларида тайёрланган энг замонавий машиналар ўрнатдик. Ишчиларни «Қоракўлтекс» қўшма корхонасида ўқитиб келдик. Улар ҳозир бу хорижий машиналарни бемалол бошқаришаяпти. Ҳозирча ишчи-хизматчиларимиз сони 150 нафар. Келгусида улар 350 нафарга етади...

— Маҳсулотларимизнинг асосий қисми эндиликда экспорт қилинади, — суҳбатга қўшилди лаборатория мудираси Шоҳида АМИРОВА. — Демак, биз бундан буён маҳсулот сифатига алоҳида эътибор беришимиз керак. Илгари тумандаги тўқимачилик корхонасида ишлаганман, ускуналар анча эски эди. Бу ердаги замонавий жиҳозларга ҳавасим келади. Айниқса, лаборатория ускуналарига... Улар маҳсулот сифатини тез ва юқори аниқликда белгилаб бера олади...

Кўп ўтмай қўшма корхона ишга туширилишига бағишланган йиғилишни Қашқадарё вилоят ҳокими Н.Зайниев очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов мамлакатимизда олиб борилаётган катта бунёдкорлик ишлари, янги қўшма корхонанинг вилоят ва туман иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида гапирди. «Ўзенгилсаноат» уюшмаси раҳбари А.Баҳромов қатнашган тадбирда олмониялик меҳмонлар, ишчилар ва мутахассислар сўзга чиқишди..

Т.Эрдман — «Коммерцбанк» вакили: — Бир йил бурун қўшма корхонани молиялаштириш юзасидан шартнома имзолагандик. Мана, корхона ишга тушди ҳам. Банкимиз ҳали яна кўплаб бундай самарали лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилади, деган умиддаман...

Қўшма корхона йилига 3600 тоннадан зиёд пахта толасини қайта ишлаб, 3000 тоннадан ошиқ ип-калава тайёрлайди. Унинг 80 фоизи хорижга экспорт қилинади. Корхонанинг иккинчи навбати — трикотаж, бўёқ ва тикувчилик цехлари ҳам ишга тушгач, бу рақамлар яна бир неча бараварга ошади...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: ип йигирувчилар (чапдан) М.Умирзоқова, Ж.Раҳимова, Г.Зуҳриддинова; ип йигирув цехи кўриниши.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

Олий Мажлисда

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Т.БОТИРБЕКОВ). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламент Омбудсмани ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, мазкур комиссия ва Эксперт кенгаши аъзолари, омбудсманнинг минтақавий вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва прокуратура органлари, нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова бошқарди.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни халқаро андозаларга яқинлаштириш, Вакил тўғрисидаги қонунчилик базаси ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликка риоя қилиш миллий тизими мониторингини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг беш йиллик фаолияти мамлакатимизда демократиялаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши, миллий давлатчилик институтларини ислоҳ қилиш, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, демократик институтларнинг қарор топиши ва ривожланиши шароитида амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига фуқаролардан 22 мингтадан зиёд мурожаат тушди. Бу мурожаатларнинг 5 мингдан ортиғи назоратга олинган. Шулардан 1140 таси ижобий ҳал этилган, қолганлари эса ижрода. Мурожаатларнинг аксарият қисми қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига тааллуқлидир.

Омбудсман томонидан ўз таркибий бўлинмаларининг ходимлари ҳамда шерик ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда жойларда, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш муассасаларида 252 та учрашув ўтказилди, жиноят ва фуқаролик ишларидан 160 таси бўйича суд жараёнининг олиб борилиши кузатилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили қатор қонунларни тайёрлашда иштирок этди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги каби қонунларнинг мамлакатимиз барча минтақаларида ижро этилиши мониторинги мунтазам ўтказиб борилди. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, тадбиркорлар, болалар ва кам таъминланган оилаларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши масалалари бўйича мониторинг текширувлари ўтказилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

БУХОРО — «ТРАНСАЭРО»НИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

«Трансаэро» авиакомпаниясининг Москва — Тошкент — Москва йўналиши бўйича мунтазам қатновларни бошлаганига 10 йил тўлди. Ўтган йиллар мобайнида компания ушбу йўналишда 4,2 мингдан ортиқ парвозни амалга ошириб, 285 мингдан кўпроқ йўловчини ташиган. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг жўшқин ривожланаётганлиги бундай муваффақиятли фаолиятнинг омили ҳисобланади. Чунончи, ўтган йили қатновлардаги йўловчилар сони 65 фоизга, юк ташиш эса қарийб икки баравар ошган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда «Трансаэро»нинг Ўзбекистонга парвозлари географияси кенгаядиган бўлди. Ҳозир Москва — Бухоро — Москва йўналиши бўйича янги мунтазам қатновни очишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шуни айтиш керакки, ўзбекистонликлар «Трансаэро» хизматларидан тўла ҳажмда фойдалана оладилар. Парвозлар жадвали Тошкент қатновларининг Москвада «Трансаэро»нинг Европа, Ўрта ер денгизи, Яқин Шарққа парвозлари билан қулай боғланишига имкон яратган.

Алишер РЎЗИЕВ

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб эълон қилган

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

танлови якунланди

Мирпўлат МИРЗО (шоир) — Шеърий «Сайланма»си ва жаҳон шеърияти намуналаридан қилган таржималари жамланган «Сомон йўли чечаклари» китоблари учун

Асрор АБРОРХЎЖАЕВ (журналист) — «Меҳр кўзда» туркум телекўрсатуви учун

Анорқул БОЙБЕКОВ (рассом) — «Сирдарё кечувлари» туркумидаги тасвирий санъат асарлари учун

Нодир ШОАЗИЗОВ (дизайнер) — Инсон руҳияти, қалби ва онгида кечаётган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёритгани учун

Сергей СПИРИДОНОВ (фотомухбир) — «Ҳарбий ватанпарварлик» мавзуидаги фотосуратлари учун

Қуйидаги ижодкорлар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Муротбой НИЗОНОВ ва **Тўрапиёз ҚАЛИМБЕТОВ** (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Боршитаулли азамат деҳқон» видеофильми учун

Ориф ОМОНОВ (Қашқадарё) — «Оловқалб одамлар», «Фидойи» китоблари учун

Ҳайдар САНАЕВ (Самарқанд) — «Менинг қишлоғим», «Бодом гуллаганда» тасвирий санъат асарлари учун

Малика НИЁЗМАТОВА — «Новий век» мустақил газетасида чоп этилган «Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган туркум мақолалари учун

Дилшода РАҲМАТУЛЛАЕВА (Хоразм) — «Экология», «Тўрт фасл», «Оқар дарё» тасвирий санъат асарлари учун

Шуҳрат ОРИФ — «Мустақиллик, маънавият, тикланиш даври» мақолалари учун

Иброҳим ҲАҚҚУЛ — «Тафаккур» журналида эълон қилинган «Абдулла Қаҳҳор жасорати» эссеси учун

Зиёвуддин МАНСУР (Наманган) — «Дилраболар диёри» шеърий тўплами учун

Раҳимжон РИЗАМУҲАМЕДОВ — «Амир Темур шажараси» тасвирий композицияси учун

Дилбар РАҲИМОВА — «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ягона оилада» туркум телекўрсатувлари учун

ШАҲАНД ДУНЁГА БЎЙЛАМОҚДА

Ўзбекистон қадим-қадимдан Ғарб ва Шарқни бир-бирига боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келган. Юртимиз бугун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга молик минтақа сифатида юксак салоҳият ва имкониятларга эга. Истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида бунинг яққол исботини кўриш мумкин. Коммуникация ва транспорт, темир йўл тизимидаги оламшумул эврилишлар, янгиланишлар эса Ўзбекистоннинг тараққиётини янада тезлаштирмоқда. Қамчиқ довони орқали Фарғона водийси, Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли орқали шимолий минтақалар мамлакатимиз марказий ҳудудлари билан боғланди.

Мамлакатимиз қишлоқларига саноатнинг кенг кириб келаётгани иқтисодий ислоҳотлар маромини янада жадаллаштирмоқда. Бу борада хорижий инвестициянинг кенг жалб этилаётгани янги қўшма корхоналар очиш имконини бераётир.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида фаолият бошлаган «Ас-Шах текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси қишлоқ аҳолисининг 200 нафарини иш билан таъминлади.

Асосан трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона «Шаҳанд» трикотаж фабрикаси негизида ташкил этилди. Унга Туркиянинг «Ас-топ» фирмаси ҳаммуассислик қилди. Низом жамғармаси 2 миллион 354 минг АҚШ долларига тенг бўлган янги қўшма корхона замонавий технологик ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган.

Бир ой давомида корхона 180 тоннага яқин трикотаж мато ишлаб чиқаради. Дастгоҳлар тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда бир ойда 200 тонна бўялган ва 320 тонна оқланган трикотаж ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Тўқимачилар ўз маҳсулотларининг 80 фоизга яқинини экспортга чиқариш ниятидалар.

Асосий жиҳоз ва лаборатория ускуналари Туркия, АҚШ, Швейцария ва Англиядан келтириб ўрнатилган. Корхонанинг Низом жамғармасида Туркиянинг «Ас-топ» фирмаси — 70, «Нотўқимачи» акциядорлик жамияти — 7, «Аснамтакстил» қўшма корхонаси — 4,5, республика Давлат мулк қўмитасининг эса 18,5 фоиздан ортиқ ҳиссаси бор.

Янги қўшма корхонанинг очилиш маросими вилоятда тантанага айланиб кетди. Вилоят ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Т.Жабборов, Туркиянинг Ўзбекистондаги элчиси биринчи маслаҳатчи-котиби жаноб Сермет Улкер, «Ас-топ» фирмаси президенти Али Нарин ва бошқалар янги корхона тақдимотида иштирок этиб, янги қўшма корхона икки мамлакатнинг ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаши, республикамиз экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Қўшма корхонанинг очилиш маросимида республика Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

Тўқувчи Ҳамидахон Неъматуллаеванинг тантанали маросимдаги сўзи эса шаҳандликларнинг миннатдорчилигини ифодалади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: ишчилар С.Кенжаева ва Б.Абдуллаев.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЙЎЛИ

20 август куни Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл линиясининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган бу ишларнинг аҳамияти беқиёсдир. Энг муҳими, ушбу бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда.

Юртимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот-Бейнов автомобиль йўли жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. Андижон-Ўш-Қашқар йўли эса ушбу бетимсол ишларнинг узвий давоми бўлади.

Мамлакатимизда жаҳон темир йўл қурилиши тажрибасида ўта мураккаб ҳисобланувчи, тоғ-тошлардан, жарлик ва зовурлардан ўтадиган, муҳим стратегик аҳамиятга эга яна бир темир йўл қурилиши тугалланиш арафасида. Афғонистон ва Эрон орқали Форс кўрфазига олиб чиқадиган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг мамлакатимиз халқаро алоқалари ривожида, иқтисодиётимиз тараққиётида тутадиган аҳамияти беқиёсдир. 223 километрлик мазкур йўлнинг 106,2 километри Қашқадарё, 113,7 километри эса Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтади.

3-бет

КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ — 10 ЁШДА

Ўтган йиллар давомида биржа тизимида ташкил этилган очиқ савдоларда сотилиш баҳоси 91,8 миллиард сўмлик қарийб 152 мингта мулклар битимлари имзоланди. Чунончи, республика Давлат мулк қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан хусусийлаштирилиши белгиланган (сотилиш қиймати 30,7 миллиард сўмлик) 80,3 мингга яқин давлат объектлари нодавлат мулк шаклига ўтди. Шунингдек, биржа республикада давлат мулкини хусусийлаштириш асосида янги мулкдорлар синфини вужудга келтиришда ва кўчмас мулклар иккиламчи бозорининг шаклланишига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кеча республика Кўчмас мулк биржасининг янги биносида унинг ўн йиллиги муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Тантанада сўзга чиққанлар биржанинг ўн йиллик ишларини сарҳисоб қилиб, у ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажараётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўз мухбиримиз

МАРКАЗ GEPIR ТИЗИМИГА АЪЗО БЎЛДИ

ЕАН — Ўзбекистон маҳсулотларни автоматик идентификациялаш маркази мазкур тизимда қўлланилувчи умумжаҳон Реестри — GEPIRга аъзо бўлди.

Сўнгги йилларда республикамизда маҳсулотларни автоматик идентификациялаш ва микрочипли кодлаш иқтисодиётнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда. Бу эса иқтисодиётимиз ривожи учун катта имкониятлар очади. Масалан, товар ишлаб чиқарувчиларимиз штрихли кодлаш ишларини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот — EAN-CCга аъзо давлатларнинг олти юз мингдан зиёд корхоналари ҳақида батафсил ахборотлар олиши ва уларга ўз маҳсулотлари тўғрисида маълумотлар бериши мумкин.

Энг муҳими, GEPIR орқали қалбаки маҳсулотларни аниқлаш йўли билан истеъмолчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш имкони туғилади.

Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ СОЛГАН ИСТИҚЛОЛИМИЗ ЯНА БИР ХОСИЯТЛИ ЙИЛ — ЎН УЧИНЧИ ЙИЛНИ КЕЧИНДИ...

МУҚАДДИМА. Ўн учинчи йил — мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонаро, минтақалараро хосу мос нуфузи, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жабҳалар уйғунлигидан иборат мамлакат ички сиёсатининг ислоҳий аниқ устувор самаралари билан боғлиқ янги сифат босқичли йил бўлди. Энг муҳими — миллий истиқлол навқиронлик даврига янада комил ишонч билан қадам қўйди.

Ҳа, миллий демократик онг замонавий жаҳоний тафаккур билан вобаста ҳолда янада тийранлашди. Тақдириломон туб ислоҳотлар жамиятнинг ялпи демократик манзарасини ўзгартириб юборди. Ижтимоий фаровонлик кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ўртасида пешқадамликка эришди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш жадаллашди, иқтисодиётнинг реал тармоғи ривожланди, тузилмавий ҳамда институционал ўзгаришлар, жумладан, маъмурий ислоҳотлар билан боғлиқ ялпи янгиланишлар мажмуий яхлит тизимга бирлашди.

Хўш, қўлга киритилган ютуқлар нималарда аниқ намоён бўлди?

СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК. Ўн учинчи йил жамиятда барқарорлик йили бўлди. Мамлакат сиёсий ҳаётида рўй берган муҳим янгиликлардан бири — фуқаролик жамияти мақоми билан боғлиқ ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар уюшқоқлиги бунинг далили бўлди. У фуқароларнинг юксак ижтимоий-сиёсий фаоллигида ўтди. Сайловда 12 миллион сайловчи, яъни мамлакатдаги катта ёшдаги аҳолининг 97 фоизи иштирок этди. Бу рақам 2001 йилдаги сайловда 85 фоизни ташкил этган эди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга асосан, маҳалла қўмиталари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари ва масъул котиблари икки йил муддатга сайландилар. Ҳаммаси бўлиб, 8.360 фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоллар) ва уларнинг 80 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайландилар. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар)нинг ўтган давр ичида қилинган ишлари ҳақидаги ҳисоботлар катта қизиқиш билан қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги ўсганлиги, уларнинг юқори даражадаги талабчанлиги ҳамда мавжуд камчиликларга нисбатан муросасизлиги сайловларда тўла намоён бўлди. Масалан, 35 та фуқаролар йиғинида оқсоқолликка номзодлардан бирортаси ҳам етарли овоз ололмади, натижада қайта сайлов ташкил этилди. 74 та фуқаролик йиғинида раҳбарларнинг ҳисоботлари қониқарсиз топилди, шунинг учун бу оқсоқоллар сайловларда иштирок этишдан маҳрум бўлишди.

Сайловлар натижасида фуқаролар йиғинлари раҳбарлари таркибининг сифат кўрсаткичи яхшиланди. Ишчи гуруҳлари томонидан номзодларни олдиндан текшириб чиқиш, фуқаролар фикрларини ўрганиш кадрларни танлашда ижобий самара берди. Аксарият фуқаролар йиғинларида сайловлар муқобиллик асосида ўтказилди. Умуман олганда, 21306 номзоддан 8360 оқсоқол сайланди. Мажлисларда масъул котиблар ва барча йўналишлар бўйича комиссиялар ҳамда уларнинг раҳбарлари ҳам тайин этилди.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловларнинг натижалари ҳақидаги статистик маълумотлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборотлари, фуқароларнинг йиғилишлардаги чиқишлари, Олий Мажлис депутатлари, Котибиятнинг масъул ходимлари хабарлари, оммавий ахборот воситаларида босилган хабарлар таҳлили шуни кўрсатдики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган сайловлар юқори ижтимоий-сиёсий ва ташкилий даражада, эркин ҳамда демократик вазиятда ўтди.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш кенг халқ оммаси учун чинакам демократия намойиши бўлди. Ўзбекистонда танлаб олинган йўлнинг, давлат органлари функцияларининг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказишнинг, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг тўғрилигини сайловлар яна бир карра исботлади. У мамлакат сиёсий ҳаётида икки палатадан иборат бўлажак Олий Мажлис сайловига ўзига хос сиёсий синов «майдони» ҳам бўлди.

МУТЛАҚ ТАЛАБ. Республика иқтисодиётида барқарор ривожланиш тамойили — ўзига хос мутлақ талаб белгиланган чора-тадбирларнинг тўла мажмуи билан амалга ошириш имконини берди. Натижада макроиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиётда хусусий тармоқ ўрни ва аҳамияти ошди, иқтисодиётнинг аграр ҳамда қурилиш тармоқлари тубдан ислоҳ қилинди, маъмурий ислоҳотлар амалга ошди, ижтимоий соҳа дастурлари ижроси таъминлана бошланди. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасини кузатадиган бўлсак, иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашганига гувоҳ бўламиз. Хўжалик субъектларининг иқтисодий фаоллиги кескин ошгани ўлароқ, биринчи марта ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши 6,2% ни ташкил этди. Бу 2003 йил биринчи ярим йиллиги даражасидан 1,6 марта (3,8%) ва жорий йилнинг I чорагига нисбатан 1,4% кўпдир.

Ишлаб чиқарувчилар учун қулай иқтисодий муҳитнинг яратилиши — саноат, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш тармоғида юқори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди. Инвестициялаш жараёнини рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралар кўрилгани туфайли жорий йил иккинчи чорагида инвестициялар ва пудрат қурилиш ишлари ҳажми ортди.

Иқтисодиётнинг жадал ўсиши давлат молияси, пул айланмаси тизими ва ташқи савдо тармоғи мутаносиблиги билан бирга кечгани — умумий макроиқтисодий барқарорлик ҳамда мамлакат олтин-валюта заҳираси кўпайишини таъминлади. Боз устига, ишлаб чиқарувчиларга солинаётган солиқларни камайтиришга, тўлов интизомини мустаҳкамлашга, фискал органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган солиқ-бюджет сиёсати давлат бюджети ижросининг мутаносиблигини таъминлаш имконини берди.

Пул-кредит сиёсати ва жорий этилганига ўн йил тўлган миллий валюта мустаҳкамланди. Инфляция 0,8 фоизга тенг бўлди (ўтган йилнинг шу даврида — 4,2% эди). Имтиёзли кредитлаш тизими кенг жорий этилди.

Капитал қурилишда 468 та корхона (82%) ҳамда 87 та лойиҳа-қидирув ташкилоти хусусийлаштирилди (74%). Бюджет маблағларини тежаш бўйича шартли иқтисодий самара 8,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Аграр ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 10,4% кўпайди.

Республикада амалга оширилаётган фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси доирасида 284 паст рентабелли ширкат хўжалиги тугатилиб, 12,5 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ҳар бир фермер хўжалигига узоқ муддат фойдаланиш учун ўртача 47 гектардан, жами 591,5 минг гектар ер берилди.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун икки марта солиқ солишни истисно қилди, хўжалик юритувчи субъектларни кичик корхоналар қаторига киритиш, рўйхатга олиш тартибини ўзгартириб, соддалаштирди. Ҳозир 270,6 мингта кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатиб, имтиёзли кредитлар билан рағбатлантирилмоқда. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши биринчи ярим йилликда 29,1% ни ташкил этди.

Хусусийлаштириш билан боғлиқ институционал ўзгаришлар биргина ярим йилликда 1132 давлат корхонаси, объекти, акциялар пакети ва улушини сотиш имконини берди. Вазирлар Маҳкамасининг **«2004 йил биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида»**ги ҳисоботида хусусийлаштириш дастурини бажариш, корпоратив бошқарув ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, яъни ўсиш суръатлари қайд этилган. Натижада хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлар қиймати 39,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Хорижлик инвесторларга қиймати 33,1 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий мажбуриятлар билан 20,4 миллион долларлик ва 0,5 миллион сўмлик давлат мулки объектлари сотилди. Иккиламчи фонд бозори ривожланди.

Иқтисодиётга давлат аралашувини кескин камайтириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг вазифаларини маъмурий ислоҳотларнинг устуворликларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш жараёни деярли якунланди. 32 та давлат ва хўжалик бошқаруви органи тугатилди, 40 мингга яқин бошқарув ходимлари қисқартирилди.

Иқтисодий жадал ислоҳотлар ўлароқ, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромади ва турмуш даражасини ошириш имкони юзага келди.

ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК САРИ. Миллий тараққиёт стратегиясининг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида кучли ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ тамойилнинг аниқ амалий ифроси Инсон салоҳияти ривожига сафарбардир. Зеро, иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган ва аҳолисининг демографик таркиби ўзига хос бўлган Ўзбекистон (аҳолининг 60% дан ортиғи ёшлар) учун Инсон салоҳиятининг ривожланиш даражаси, унинг ижтимоий муҳофазаси, реал даромади даражаси жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан истиқлолнинг ўн учинчи йили натижаларига, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ярим йиллик якунларига мурожаат этсак, манзара ойдинлашади: аҳолининг реал даромади қарийб 17% кўпайди, реал иш ҳақи 23% ошди, иш билан банд аҳоли сони кўпайди. 263 мингта, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликлари тармоғида 92 мингта қўшимча иш ўрни ташкил этилди.

Ижтимоий эҳтиёжлар учун давлат бюджетидан йўналтирилган сарф-харажатлар биргина 2004 йилда қарийб 48% ни ташкил этди. Уларнинг 80% тўғридан-тўғри Инсон салоҳиятини ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва фанга йўналтирилди.

Таълим даражаси (саводхонлик ва болалар таълими қамрови), инсоннинг ўртача умри қанчалиги ҳамда мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбати кўрсаткичларидан иборат БМТ томонидан ишлаб чиқилган Инсон салоҳияти ривожланиш индекси асосида жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотлари томонидан тайёрланган халқаро ҳисоботларда жамланган маълумотларга кўра, ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи бўйича МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон энг баланд рейтингга эгалиги (жамланма кўрсаткич — 0,738) расман тасдиқланди. Ўзбекистоннинг ижтимоий фаровонлик кўрсаткичи бўйича пешқадамлиги жаҳоннинг энг обрўли мустақил тадқиқот марказлари томонидан ҳам тан олинди. Жумладан, Пью Рисерч Сентер ижтимоий тадқиқотлар маркази (АҚШ) дунёда муҳим ўрин тутувчи 44 мамлакат, шу жумладан МДҲ давлатларидан — Ўзбекистон, Россия ва Украинада сўров ўтказди. Марказ сўрови натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизи мамлакатдаги мавжуд аҳвол ва яшаш шароитларидан мамнун, ваҳоланки, Хитойда бу кўрсаткич — 50 фоиздан паст, Россияда — 20, Украинада — 9 фоизни ташкил қилган.

ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ. Ёшлар таълими ва тарбияси давлатимиз сиёсатининг бош йўналиши. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳозирги иккинчи сифат босқичида истиқлолнинг ўн учинчи йилида таълим учун бюджетдан ажратилган маблағлар умумий харажатларнинг қарийб 38%ини ташкил этди. Мактабларни дарсликлар, кам таъминланган оилалар фарзандларини қишки кийим ва пойабзал, биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини мебель, ўқув ускуналари, спорт анжомлари ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш, компьютер ва Интернет-синфлар ташкил этиш ҳамда биноларни таъмирлаш — булар соҳада амалга оширилаётган эзгу ишларимизнинг айримлари, холос.

Таълимнинг сифат босқичи — олий ва ўрта махсус таълим тизимларидан сўнг мактаб таълимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий Дастури тўғрисида»**ги Фармонида мактаб таълими ислоҳи — давлат сиёсатининг бош йўналиши эканлиги алоҳида таъкидланди. Фармон ижроси юзасидан ва умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, замонавий юксак талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базаларини ва таълим стандартларини шакллантириш, моддий база ҳамда қишлоқ ва шаҳар мактаблари жиҳозланиши ўртасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шароитлар яратиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 9 июлда **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарор ҳукуматнинг 2004 йил 2 июлдаги **«Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги, шунингдек, **«Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтказиш тўғрисида»**ги қарорларининг мантиқий яхлит тизимий ҳалқаси бўлди. Натижада бошланғич синфлар ўқитувчиларига амалдаги ҳар ойлик устамалар меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача, синф раҳбарлиги учун амалдаги ҳар ойлик қўшимча ҳақ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача, дафтарларни текширганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўрта ҳисобда 30 фоизидан 50 фоизигача миқдорларда оширилди. Ўқитувчиларнинг касб маҳоратига кўра 25 фоизгача, синфдан ташқари фаолиятлари учун 15 фоизгача устама ҳақ ҳам қўшиб бериладиган бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва молиялашга, шунингдек, тизимнинг бирламчи бўғинини мустаҳкамлашга оид ишлар давом этмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Болалар ва оналар ўлими кўрсаткичи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тегишли равишда 4 ва 20 фоиз камайди.

«Қарияларни қадрлаш йили» дастури тўлиқ амалга оширилди. «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида белгиланган тадбирлар учун 171 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бунинг 126,2 миллиард сўми давлат бюджетидан, қолган қисми бюджетдан ташқари маблағлар ва ҳомийлар маблағларидан олинди.

Ўзбек аёли, ўзбек онаси оёғи остида шубҳасиз, жаннат борлиги, ифтихорли, албатта. Аҳолисининг ярмидан кўпи хотин-қизлар бўлган давлатимиз учун бу янада фахрли. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимояси, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш миллий истиқлол сиёсатининг туб моҳиятига айланди. Айнан шу сабаб ҳукумат таркибида махсус тизим — Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган (МДҲ мамлакатлари ҳукуматлари таркибида бундай тизим йўқ).

Хотин-қизлар ҳуқуқларини қатъий таъминлаш, улар фаоллигини янада ошириш мақсадида Президентимиз 2004 йил 25 майда **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** Фармон чиқарди. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилиб, тегишли аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди.

Баркамол авлод Ватани — Ўзбекистонда соғлом, чиниққан ёшлар тарбияси жаҳоннинг спорт майдонларидаги оламшумул ғалабаларда аниқ намоён бўлмоқда. Истиқлолнинг ўн учинчи йили миллат тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони – Рустам Қосимжоновни кашф қилди... Демакки, истиқлолнинг ўн учинчи йилида Ўзбекистон ўзининг социал давлат мақомини ижтимоий ҳаёт амалиётида яна бир бор исботлади.

Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ,
академик

(Давоми бор.)

Олий Мажлис сессияси олдидан

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида ЎзХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси томонидан «давра суҳбати» ўтказилди. Унда **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»** ва **«Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаси муҳокама этилди.

Тадбирда маъруза қилган Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов мазкур қонунлар лойиҳаларининг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва муҳим жиҳатларига тўхталди. У ушбу қонун лойиҳаларини тайёрлашда эътибор, аввало, депутатнинг эркин фаолият юргизишига қаратилганлигини таъкидлаб ўтди. Маърузачининг фикрига кўра, депутатни халқ сайлайди ва уни бирор гуруҳ ёки партия манфаатларига боғлаб қўйиш ноўрин. Депутат ўзининг фикрини бирор бир сиёсий гуруҳнинг таъсирисиз ифода этмоғи лозим.

Шундан сўнг қонунлар лойиҳалари бўйича қизғин мунозара, савол-жавоблар бўлди. Таклифлар билдирилди.

Савол: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг **9-моддасида «Депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради»** дейилган. Депутатнинг ҳисобот эмас, ахборот бериши унинг сайловчилар олдидаги масъулиятини пасайтириб юбормайдими?

Жавоб: Депутатларимиз илгари ўз сайловчиларидан «йўлимизни асфальт қилишга ҳисса қўшинг», «кўчамизга сув чиқаришга ёрдам беринг» ва ҳоказо мазмундаги наказлар қабул қилишарди ва шу ваъдалар орқали овоз олишарди. Кейинчалик ўша наказлар бўйича сайловчиларга ҳисобот бериб туриш керак эди. Қонунчилик палатаси депутатининг профессионал иши халқимизга маъқул қонунлар ишлаб чиқишдир. Бинобарин, турли хил наказларни бажариш эмас. Қолаверса, газлаштириш, асфальтлаштириш ижроия ҳокимиятининг ваколатига киради. Депутатнинг қонунчилик ижодкорлиги борасидаги фаолиятига кенг имконият яратиш ва унинг фаолиятини эркинлаштириш мақсадида биз ҳисобот беради, деб қатъийлаштирмадик. Жаҳон тажрибасида депутатлик мандати икки хил, яъни императив ва эркин мандатга бўлинади. Императив мандатда депутат ўз сайловчиларининг айтганини қилиши керак. Яъни сайловчиларга нимани ваъда бериб сайланган бўлса, у шу иш билан шуғулланади. Лекин, демократия ва парламентаризм ривожланган давлатларда бу усулдан умуман воз кечилиб, эркин мандат тизими қарор топмоқда. Қонун лойиҳасини тайёрлашда шундан келиб чиқиб депутатнинг эркин ҳаракат қилиши ва фақат бирор бир доиранинг манфаати хизмати учун боғланиб қолмаслигига эътибор қаратилди.

Савол: Янги Қонун лойиҳасига кўра депутатнинг, асосан, сайловчилар олдида жавобгарлиги белгиланган. Унинг номзодини кўрсатган партия ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Албатта, бу депутатнинг эркин фаолият юритиши учун жуда яхшидир. Лекин ўша сиёсий партиянинг обрўси-чи? Бу ерда депутатнинг эркинлигини кенгайтириш орқали партиянинг жамиятдаги мавқеи пасайтирилмаяптими?

Жавоб: Номзодни партия кўрсатса-да, уни сайловчи — халқ сайлайди. Шу боис Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси ҳеч қанақанги таъсирларсиз, эркин фаолият юргизгани маъқул. Бинобарин, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг **4-моддасига** кўра, сизнинг хавотирингизга ўрин йўқ. Ушбу моддада кўрсатилганидек, депутат ёки сенаторнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқиш учун унинг номзодини кўрсатган партиянинг таклифи ҳам асос бўлиши мумкин.

Таклиф: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг **18-моддасида** депутат ва сенаторга фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг **беш** баравари миқдорида даромад солиғи солинмайдиган маблағ тўланади, дейилган. Бизнингча, қонунчилик ижодкорлиги билан шуғулланадиган профессионал депутатлар учун бу кам. Профессионал депутат ёки сенаторнинг фикри-ёди пухта қонунлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда бўлишлиги, унинг ҳаёли бошқа томонга чалғимаслиги учун **бундай маблағ энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида бўлмоғи лозим.**

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида **20-модда** қуйидагича ифодаланган: «Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади, такси ва **шаҳар йўловчилар транспорти** бундан мустасно». Депутат ва сенаторни моддий жиҳатдан тўлароқ таъминлаш ва унинг эркин фаолият юритиши учун яхшироқ шароит яратиш мақсадида ушбу модда қуйидагича ифодаланса мақсадга мувофиқ бўларди: **«Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль транспортида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади, такси бундан мустасно».**

Таклиф: «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг **2-моддасида** шундай ёзилган: «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф тегишли сайлов округининг сайловчилари томонидан киритилади». Бу модда мавҳумроқ, унга аниқлик киритиш керак. Шунинг учун ушбу модда қуйидагича тўлдирилса: **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш тўғрисидаги таклиф унинг номзодини депутатликка кўрсатган тегишли сайлов округининг сайловчилари, сиёсий партия, фуқаролик ташаббускор гуруҳлари, фуқаролар йиғинлари томонидан киритилади».**

Тадбирда иштирок этган партия фаоллари, Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари томонидан шу каби кўплаб ўринли таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

«Давра суҳбати»да ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов ва ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси, партия Марказий Кенгаши котиби Изидор Кочмарик иштирок этди.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
Хусниддин БЕРДИЕВ.

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ХДП ташкилотлари конференциялари

БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРДАН ФОЙДА ЙЎҚ

ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди. Унда 1999-2004 йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди

Анжуманда маъруза қилган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов ташкилотининг бугунги мавқеи, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапирди.

Қўлимизда ташкилотнинг ҳисоботи. Ўтган беш йил ичида қилинган амалий ишларни акс эттирувчи бу ҳужжатни кўздан кечирар эканмиз, фактлар, рақамларга дуч келамиз. Ҳисобот давридаги рақамлар хоҳ катта бўлсин, хоҳ у кичик бўлсин, барибир қилинган ёки қилинмаган ишларни аниқ кўрсатиб турибди.

Унда, масалан, шундай рақамлар бор. Бугунги кунда, пойтахт вилояти таркибида 15 та туман ва 6 шаҳар бўлиб, уларнинг барчасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги 1185 та бошланғич партия ташкилоти ўз сафларида айни пайтда 42 минг нафардан зиёд ЎзХДП аъзосини бирлаштирган. Уларнинг 36 фоизини хотин-қизлар, 30 фоизини эса ёшлар ташкил этади. Партия сафларининг йилдан-йилга ўсиши эса асосан ишчи-хизматчилар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, зиёлилар, талабалар, тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўтган ҳисобот даврида вилоят партия ташкилоти сафлари 10 минг 793 нафар янги аъзолар ҳисобига бойиган. Айниқса, бу ўсиш вилоятнинг Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳар, Бўстонлиқ, Зангиота туманлари партия ташкилотлари фаолиятида яққол кўринади.

Кўриб турганингиздек, вилоят партия ташкилоти фаолиятидаги рақамлар салмоқли. Муваффақият эса қуруқ рақамлар йиғиндиси эмас. У партия фаолларининг онгли меҳнати, истиқболини кўзлаб иш тутаётганликларидан далолат беради.

— Қадимда Ватан шаъни, унинг ҳимояси йўлидаги курашлар имон, виждон, қолаверса, ҳақиқат кураши бўлган, — деди Сирожиддин Аъзамов. — Ватанидан, булоғи-ю чашмасидан айрилган эл фарзандлари бир умр йиғлаб ўтишган. Чунки, улар учун туғилган заминининг бир қултум суви, бир кафт тупроғи ҳамма нарсадан азиз бўлган. Ватан муқаддас сўз. Унга хиёнат қилиб бўлмайди. Ватан хиёнат қилганларни кечирмайди. Афсуски, орамизда ҳали-ҳануз мамлакатимиз мустақилликка осонгина, ҳеч қандай курашларсиз эришди, дегувчилар ҳам топилади. Шу йилнинг 30 июль куни Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари яна бир бор барчамизни сергак тортишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида курашишга ундайди. Савол туғилади: хўш, бу курашнинг моҳияти, мақсади нималардан иборат? Партия ташкилотларимиз олдида турган муҳим вазифа, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши эса маърифат билан курашмоғимиз лозим. Айни дамда биз бундай хуружларни келтириб чиқараётган қора кучларга қарши етарлича курашмаётганлигимиз аён бўлмоқда. Ана шундай паллада, томошабинлик позициясини тутиш, лоқайдликка, бепарволикка берилиш ЎзХДПдек партиянинг жамият, халқ орасидаги мавқеига, унинг обрўсига тўғри келмайди. Биз шу замин фарзандларимиз. Зиёга ташна юртимизни ёвузлик кўланкаларидан асрайлик.

Бу биринчи котибнинг фалсафаси эмас, оддий ҳақиқат.

Айнан шу масалаларда ХДП аъзолари ташаббускорми? Аъзолар жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларга қандай муносабатда? Эҳтимол уларни фақат бугунги куннинг ташвишлари қизиқтирар?

— Афсуски, бу муаммолар устида кўп ҳам бош қотирмаймиз, — деди конференцияда Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Дониёр Азизхўжаев. — Биз режалар, мажбуриятлар ҳақида тўлиб-тошиб гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бир пайтлар, тўғрироғи, собиқ иттифоқ даврида пахтачиликда қилинган сийқаси чиққан ташаббуслар кишилар энсасини қотирарди. Бугун эса бундай «ташаббуслар» бизни нималарга олиб келганини кўриб турибмиз. Яқин ўтмишга яна бир бор назар ташлайлик. Бугун биз айни сайловлар йилида ўзимизнинг инсонларга қандай муносабатда бўлишимизни янада чуқурроқ англаб етаётирмиз. Сайловлар олдидан чиройли шиорлар билан турли оммавий тадбирлар ўтказиб, ўткинчи қуруқ гаплар билан халқ қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб келаётганларга бугун одамлар ишонмаяпти. Йиғинларда, ташкилотларимизнинг турли анжуманларида, айрим аъзоларимиз ЎзХДП сафларидан чиқиб, бошқа партияларга ўтиб кетяпти, деб афсусланамиз, «Сон эмас, сифат муҳим» дея айюҳаннос соламиз. Вужудга келган бундай қийинчиликлар сабабчиси дея бошқаларни айблаймиз. Бироқ, биз жойларда кўпгина партия кенгашлари раҳбарларининг ўз ишига совуққонлик, масъулиятсизлик билан ёндошаётганлигини тан олмаймиз. Аъзоларимиз сиёсий саводхонлигини ошириш чорасини кўрмаймиз. Биз қандай ниятда фан ва техника асрида яшамоқда. Одамларда яхшироқ ишлаш, яхшироқ яшаш истаги кучаймоқда. Шундай экан, биз кўзлаган мақсад, вазифа ўта мураккаб. Партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий фаолиятини ошириш, унинг тизимларини такомиллаштириш, партия таъсирини сиёсий, иқтисодий ва маънавий жараёнларда кучайтириш, аҳоли турар жойларида олиб борилаётган амалий ишларни янада жонлантириш талаб қилинади. ЎзХДП сафларига ёшларни, хотин-қизларни, тадбиркор ва ишбилармонларни кўплаб жалб этиш фойдадан холи бўлмайди. Аммо, бугун партия ташкилотлари ва ёшлар ўртасидаги муносабатни қониқарли деб бўлмайди. Бундан ташқари, жойларда депутатлар имкониятларидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти. Кўп ҳолларда, сайлов округларида депутатлар ҳамда партия фаоллари раҳбарлигида ташкил қилинган партия гуруҳларининг фаолиятидан кўнгил тўлмайди.

— Мен ЎзХДПдан икки чақириқ Олий Мажлисга депутат бўлганлигимдан фахрланаман, — деди «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати Маҳамаджон Худоёров. — Биз, депутатлар ҳисобот даврида партия ташкилотларига таяниб, улар билан ҳамкорликда ишладик, амалий ишларимиз билан ЎзХДП обрўсини оширишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VII пленуми қарорларига мувофиқ, партия тизимларида бошланган ислоҳотларда Тошкент вилоят, қолаверса, унинг шаҳар ва туман кенгашларининг иштироки тўғрисида ҳам сўз борди. Жойларда партия Низомининг янги таҳрири, унга киритилаётган асосий ўзгартиришларга партия аъзолари томонидан ижобий муносабат билдирилмоқда. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят партия ташкилотларида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуман делегатлари вилоят партия ташкилотининг келгуси даврдаги фаолиятининг келгуси даврдаги устувор вазифаларини белгилаб, партия раҳбар сайланма органларини сайладилар.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов сўзга чиқди, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси аъзоси Гулнора Йўлдошева, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова иштирок этдилар.

✧✧✧

Шу куни Тошкент вилоят партия кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Сирожиддин Аъзамов ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби, Маҳмуд Тоиров иккинчи котиб этиб қайта сайландилар.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят ташкилотининг конференциясида бу ҳақиқат бот-бот такрорланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов сиёсий партиялар ишидаги сусткашликни тезда бартараф этиш, бўлажак сайловларни инобатга олиб, партияларнинг фаолиятини кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Ҳар бир партия учун ҳам бу сайловлар жуда катта синов. Сиёсий партия сифатида фаолият юритаётган ташкилотнинг нечоғлик ўрни, обрў-эътибори, кучи борлигини ана шу сайлов натижалари белгилаб бериши турган гап.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят ташкилотининг III конференциясида ҳам ана шу фикрлар марказий ўрин эгаллади. Қирқ уч мингдан кўпроқ аъзони бирлаштирган ЎзХДП Сурхондарё вилоят ташкилоти кенгаши ўтган беш йил мобайнида ўз фаолияти бўйича ҳисобот берди.

Хўш, партия ташкилоти ҳисобот даврида нималарга эришди, қандай вазифаларни адо қилди-ю, қандай нуқсонларга йўл қўйди, олдинда қандай вазифалар турибди?

Ана шу саволларга вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ҳамро Эрматов ўз маърузасида батафсил жавоб берди.

Ҳисобот даврида диққат-эътибор вилоят партия кенгаши фаолиятининг асосий йўналиши — парламентчилик ишини ривожлантиришга қаратилди. Чунки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси парламент типидаги партиядир. Шу сабабли вилоят партия кенгаши Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган депутатлар билан ишлашга алоҳида эътибор берди.

Вилоят партия ташкилотидан сайланган депутатлар Олий Мажлис сессияларида иштирок этиб, қонун лойиҳалари юзасидан кўплаб таклифлар бердилар. Шу билан бирга, сессиялар оралиғида янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда бевосита қатнашиб, партия ташкилотлари ва сайловчилардан тушган таклифларни умумлаштириб, қонунларда акс эттиришга интилдилар. Маҳаллий вакиллик органларига сайланган депутатлар эса қонунларнинг ҳаётга тадбиқ қилиниши, ислоҳотларни амалга ошириш ишларига катта ҳисса қўшмоқдалар. Жойлардаги кўпгина партия ташкилотлари асосий диққат-эътиборни партиядан сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга, уларга ўз депутатлик ваколатларини бажаришга ёрдамлашишга, депутатларнинг ахборот ва ҳисоботларини пленум ва ижроия бюро йиғилишларида эшитиб боришга қаратдилар.

Партия шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи янги қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларини тарғиб этиш бўйича муайян ишларни олиб бораяптилар. Улар шу ишлар давомида одамларга ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш, мулкчиликнинг янги шаклларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга кўмаклашмоқдалар.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларда бевосита қатнашаётган партия ташкилотлари сони тобора кўпаймоқда. «Меҳр ва мурувват» йилида кўпгина бошланғич партия ташкилотлари хайрия тадбирлар ўтказишда ва алоҳида ижтимоий мадад кўрсатишда ташаббус кўрсатиб қолмай, айни пайтда, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларни мана шу олижаноб ишга жалб этмоқдалар. Денов туманидаги С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг бу соҳада олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Ташкилот ташаббуси ва ширкат хўжалиги бошқаруви кўмагида ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларнинг фарзандларидан 81 нафарининг никоҳ тўйини хўжалик ҳисобидан ўтказиб берди. Бу хайрли ва савобли ишларга Ўзбекистон Қаҳрамони, партия фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, хўжалик бошқаруви раиси Иброҳим Файзуллаев бошқош бўлди.

Ёшлар билан ишлашда партия аъзоси бўлган раҳбарлар, партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари котибларининг фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилинди. Бу соҳадаги ишлар Денов, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шеробод туманларида яхши йўлга қўйилган. Жарқўрғон туман партия кенгаши эса умумтаълим мактаблари касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг кечаларини ташкил этиб, ёшларни ҳаётга тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат «Ёшлар муаммоси» институтини ташкил этди. Унда ёшлар уч йўналиш бўйича 6 ойлик курсларда зардўзлик, бичиш-тикиш, ёғоч ўймакорлиги каби касбларни эгалламоқдалар.

Денов туман партия кенгаши ташаббуси билан шахмат мактаби очилиб, фаолият юритмоқда. Унга республика тоифасидаги ҳакам, партиямиз фаоли Одилбек Азизов раҳбарлик қилмоқда.

Шунингдек, ўз сафларини ўстириш, муносиб ёшларни ўз сафларига қабул қилиш ва уларни тарбиялаш масалалари ҳам партия ташкилоти диққат марказида турди. Ҳозирги кунда ХДП аъзолари орасида ёшларнинг улуши 30 фоиздан ошди. Кўплаб ёшлар бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия кенгашлари аъзолари ва котиблари этиб сайланганлар.

Партия ташкилотлари жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш масалаларига ҳам эътиборини кучайтирдилар. Вилоят партия кенгаши ҳузурида Хотин-қизлар сектори ташкил этилди. Қумқўрғон туман партия кенгаши ёрдами билан «Онажон» маркази тузилиб, унинг асосий вазифаси этиб қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва уй бекаларининг ҳуқуқий билимларини ошириш белгиланган.

Вилоят партия ташкилоти фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Конференцияда ҳисобот даврида ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам оз бўлмагани очиқ ойдин гапирилди.

Кўплаб бошланғич партия ташкилотларининг иш фаолиятлари сусайиб кетганлиги қайд этилди. Ҳатто партия аъзолиги «эсидан чиқиб» кетган БПТ котиблари ҳам кам эмас. Партия аъзолиги бадалларини йиғиш билан ҳеч ким шуғулланмай қўйган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Кенгашлар ХДП аъзоларини бирлаштирувчи, уларга нафақат сиёсий, балки ҳар жиҳатдан кўмакчи бўладиган кучга айланиши зарур. Бундай салоҳиятга эга бўлиш учун эса партия фаоллари кўпроқ халқ ичига кириши, одамлар ташвиш-ғамига доимо шерик бўлмоғи керак.

Ҳозирги пайтда Сурхондарёда ХДПдан сайланган Олий Мажлиснинг 5, вилоят кенгашининг 20, туман ва шаҳар Кенгашларининг 167 нафар депутати фаолият юритмоқда. Бироқ, ана шу депутатларнинг айримлари ўз сайловчиларини «унутиб» қўйди, номзодини ҳурмат қилиб кўрсатган партия ташкилоти билан ҳам алоқасини узди. Шу боис, сайловчиларнинг ҳақли эътирозлари юзага келмоқда.

Конференцияда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов сўзга чиқиб, шундай деди: халқнинг ишончини қозонмоқ учун халққа чин юракдан хизмат қилмоқ керак. Эл-юрт ташвиши, одамларни қийнаб келаётган катта-кичик муаммолар биринчи навбатда халқ ноибининг диққат марказида бўлмоғи керак, депутатнинг иш фаолиятига айланиши даркор. Бу мулоҳазаларни шунинг учун ҳам айтмоқчиманки, олдинда ҳар бир сиёсий партия учун жуда катта синов — сайлов турибди.

Мамлакат тарихида илк бор икки палатали парламентга сайловлар бўлади. Ана шу сайловларга ва маҳаллий Кенгашларга ҳам номигагина йиғилишларга келиб, қўл кўтариб кетадиган одамларни эмас, ўз фикрини дадил айтадиган жасоратли, ўқимишли, саводли, ҳалол одамларнинг номзодларини кўрсатишимиз керак.

Анжуманда партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, ташкилот, корхона раҳбарлари сўзга чиқишди. Кўпдан-кўп фойдали фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Нотиқларнинг сўзларидан ҳам шу нарса маълум бўлдики, ЎзХДП вилоят кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди, шунинг билан бирга фаоллик, ташаббускорликни оширишга даъват этилди.

Конференцияда вилоят партия ташкилоти олдида турган устувор вазифалар белгиланиб, унинг раҳбар органлари шакллантирилди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Рустамов ва Олий Мажлис депутати Б.Шодиева сўзга чиқдилар.

Конференциядан сўнг вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиблигига Ҳамро Эрматов, иккинчи котиби этиб Икром Қурбонов қайта сайландилар.

✧✧✧

Шу куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, Олий Мажлис депутати Бўритош Шодиева, Сурхондарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ҳамро Эрматов ва бошқа фаолларнинг Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекстил» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ишчи ва хизматчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Партия фаоллари корхона ходимларига жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловлар, унинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ҳақида гапириб бердилар.

Очиқ ва эркин мулоқот тарзидаги учрашувда корхона ишчи-хизматчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Тадбир ниҳоясида бир гуруҳ партия фахрийлари ва фаолларига ЎзХДП Марказий Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари, ЎзХДПга аъзо бўлиб кирган кўпгина ёшларга партия билетлари топширилди.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Икки вилоят ўртасидаги масофани 184 километрга қисқартирадиган мазкур темир йўл ёқасида олтита бекат қурилиши режалаштирилган. Унинг ишга туширилиши халқ хўжалигини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш имконини беради. 650 дан зиёд иш жойи очилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 24 январда мамлакатимизда яхлит темир йўл тизимини барпо этиш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш, республикамиз жанубий минтақаларининг ижтимоий инфратузилмасини янада тараққий эттириш мақсадида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линияси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ҳукуматимиз қарорида белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Ғузор туманининг Улуғбек номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан бошланган ушбу темир йўл қисқа фурсатда Деҳқонобод тумани билан туташди. Тошгузар-Деҳқонобод оралиғидаги 57 чақиримлик масофага пўлат излар ётқизилди. Бу ишга 350 дан ортиқ техника, мингдан зиёд ишчи-муҳандис жалб этилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли йўл хўжалиги бошқармаси, қурилиш-монтаж поездлари, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Транссаноатқурилиш», «Кўприккурилиш», «Қаршитаъмирқурилиштаъминот» трестлари ва «Тошнефтгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари йўл қурилишида алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида замонавий меъморлик услубида бунёд этилган, барча қулайликларга эга дастлабки икки бекат — Тошгузар ва Деҳқонобод бекатлари фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан Деҳқонобод бекатида бўлиб ўтган тантанали маросимда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этдилар. Уни Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев очди.

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси О.Раматов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов, деҳқонободлик меҳнат фахрийси Тожинор Холтўраев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган мазкур йўл мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Файзуллаев сўзга чиқди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Соғлом авлод учун

МЕҲР-ШАФҚАТ СОТИЛМАЙДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси дунёдаги кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаяпти. 2002 йилнинг июлида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ёрдамида хорижий давлатлар шифохоналарида баъзи ногирон болаларимизни даволашни амалга ошириш бўйича дастур, узоқ муддатли уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзолаган эди. Дастур доирасида германияликлар томонидан жаҳон тиббиёти эришган, аммо ҳали бизда етарлича ривожланмаган йўналишлардаги тиббий хизматга муҳтож ногирон болалар чет эл шифохоналарида даволаниб қайтяптилар. Ушбу халқаро нодавлат ташкилоти 1967 йилда ташкил топган бўлиб, дунёдаги 25 та давлат билан ҳамкорлик қилади, ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланади.

Шу йил бошида «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти юртимиз клиникаларини молиялаштириш мақсадида 10 минг евро маблағ ажратди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ўтган олти ой мобайнида шу маблағ ҳисобига биринчи ва иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти клиникаларида, вилоятлардаги махсус ихтисослаштирилган стомотологик клиникаларда, 143 нафар боланинг жарроҳлик йўли билан даволанишини молиялаштирди. Маблағ 110 нафар бемор болага мўлжалланган бўлса-да, шу кунгача амалда 143 нафар болага тиббий хизмат кўрсатилди.

Аввал маълум қилганимиздек, 18 август куни Тошкент халқаро аэропортидан 10 нафар ногирон бола Германияда даволаниш учун учиб кетди.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти раҳбари жаноб Рональд Гегербордер Тошкент халқаро аэропортида бизга берган интервьюсида шундай деди:

— Ҳар йили икки марта, февраль-август ойларида ушбу минтақадаги ногирон болаларни Германия клиникаларида чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш учун тўплаймиз. Ҳозир Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон, Грузиядан 61 нафар болани олиб учяпмиз. Ўзбекистондан бу сафар 10 нафар олдик. Шу пайтгача ўзбекистонлик болаларнинг 35 нафари бизнинг клиникаларимизда даволанишди. Бундай болаларни дунёнинг исталган бурчагида учратиш мумкин. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, юртингиз тиббиёти бошқа жойларникидан ҳеч қандай кам жойи йўқ, қолаверса, башарият тиббиётининг маънавий отаси — «Авицена» замини, қадимдан жаннатмакон юрт бўлган. Лекин бугун минтақадаги экотизимнинг издан чиқиши генофондга таъсир этяпти. Болаларда «Юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари» ёки бошқа хасталикларнинг кўпайишига олиб келган. «Экоинқироз ҳудуд» ига хос касалликлар кўпайяпти.

Халқаро хайрия тадбирда ота-оналар давлатимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини алоҳида мамнуният билан таъкидлашди. Зеро, азалдан биз болажон халқмиз, боламизнинг бошида парвона, кези келса, жонига жонимизни садқа этишга тайёрмиз. Бу — ҳаётда, истаймизми-йўқми, орамизда шундай болалар борки, тенгдошлари қатори дунёни бошларига кўтариб тўполон қилишдан, чопқиллашдан, нурни кўришдан мосуводирлар.

Улар — алоҳида меҳрга муҳтож болаларимиздир. Уларни авайлаб парваришлаш, келажакда баркамол шахс этиб тарбиялаш ҳар биримиз учун қарз, ҳам фарздир.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хоразм Хирадмандлари

ИСТИҚЛОЛ БАДИАЛАРИ

Хоразмнинг муқаддас тупроғига қадам қўйганимда узоқ мозийга сафар қилгандай бўламан. Кўз ўнгимда ажиб дунё пайдо бўлади. Қалъалар диёри мени ўзига маҳлиё этади. Қадимий Жайҳун нидолари юрагимда акс-садо беради. Чуқур ўйга толаман. Кат, Кўҳна Урганч, Хива садолари «Авесто» қўшиқларини Жайҳун мавжларида тебратади. Буюк алломалар, ботир саркардалар, ҳақгўй шуарою моҳир ҳунармандлар, хассос меъморлар мозий уфқида намоён бўладилар.

Дунёда халқлар кўп ўтган, мамлакатлар ва давлатлар кўп ўтган. Бироқ келиб чиқиши, тараққиёти ва унинг давомийлиги жиҳатидан энг қадим тарихга туташ давлатлар бармоқ билан санарли.

Улар орасида Хоразм давлатчилигининг ҳам ўзига хос ўрни бор. «Хоразм» ҳақиқатан ҳам бир пайтлар дунёни ҳайратга солар даражадаги қудратли давлатнинг номи эди. Давлатчилик илми ўз босқичининг илк тажрибаларини шу муқаддас заминда ўтказган десак, муболаға бўлмайди. Хоразмда нафақат давлатчилик, балки илм-фан, маданият, меъморчилик соҳалари ҳам ривож топган эди. Шунинг учун ҳам бу афсонавий мамлакатдан улуғ алломалар, ботир саркардалар ва нафаси ўткир шоирлар етишиб чиқди. Бу табаррук юртнинг олимлари ўз салоҳияти билан дунё аҳлини лол қолдирдилар. Бунга тарих гувоҳ, мана шу муқаддас тупроқ гувоҳ, ўз фарзандларини ҳамиша мардликка чорлаб мавжланиб оқаётган кекса Жайҳун гувоҳ!

Шарқ тараққиётининг бешиги бўлган, дунёвий илм-фанининг ўчоғи бўлган Хоразмни барча халқлар жуда яхши билади. Бу ҳақда Доро I нинг Бихистун китоблари ва «Авесто»-да ишончли маълумотлар келтирилган.

Хоразм ўтмишига назар солар экансиз, қайси бир йиллар яшаган, ҳар жиҳатдан фаровон диёрни кўрсангиз, бир йиллар урушу ғавғолар касридан хонавайрон бўлган мамлакатни кўрасиз.

Тупроққалъадан топилган манбаларнинг кўрсатишича, «Хоразм эраси» боши мил. I аср ўрталарига тўғри келади. Бу даврда Хоразм гуллаб-яшнаган, тараққий этган давлат бўлган. Хоразм халқи ўз тараққиётининг дастлабки босқичида чорва боқиб ҳаёт кечирган.

Қадим-қадимдан қаердаки катта дарёлар оқиб ўтса, шу жойда одамлар яшаб қолган, тўпланган, қалъалар, йўллар, кўприклар қурилган, қўрғонлар пайдо бўлган, аста-секинлик билан бинолар қад тиклаган, шаҳарлар дунёга келган, қўрғон, қалъа, шаҳарки бор жойда савдо-сотиқ ривожланган, мактаб-мадраса очилган, илм-фан, маданият тараққий этишига имкон яратилган. Хоразмга бундай имкониятларни Жайҳун дарёси берган. Шу туфайли мамлакат обод бўлган, жаннатмакон боғ-роғлар пайдо бўлган. Каналлар ва ариқлар қазилган. Бу ишда шаҳару қишлоқлардан одамлар қатнашган. Паҳлавонларни бу майдонда синовдан ўтказганлар, қўшиқчилар қўшиқ куйлаганлар. Аслини олганда, Хоразмга куч берган қудрат ана шу аҳиллиқда бўлгани аниқ. Қазув ишларининг бошида эл севган мироблар турган.

Хоразмликлар ҳар доим мардларга эргашганлар. Улар нотўпроққалъа бўлган. Кейинчалик пойтахт Қиётга кўчган. Ўз даврида Хоразмда Сўғд ёзувидан фарқ қиладиган Хоразм ёзуви мавжуд бўлган. Дунёни ўз тафаккури билан чароғон этган кўплаб Хоразм фарзандларини жаҳон халқлари меҳр билан тилга олади. Юксак муҳаббат билан хотирлайди. Бугун буюк алломалар — алгебранинг отаси Мусо ал-Хоразмий, назм сардори, саж (қофияли наср) яловбардори Абу Бакр ал-Хоразмий, илмлар калити бўлмиш «Мафотиҳ ал-улум» асарини яратган. Ажаму Арабда катта шуҳрат қозонган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийларни, аъламул-уламо, қомусий билимлар донишманди, «Осор ал-боқия», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Ҳиндистон» сингари ўнлаб машҳур асарлар яратган Хоразмшоҳ Маъмун II ва Маҳмуд Ғазнавий салтанатига бениҳоя катта обрў келтирган буюк олим Абу Райҳон Беруний ким билмайди, дейсиз.

Минг афсуски, урушлар Хоразмда тикланган маданий ёдгорликларни кунпаякун қилиб юбораверган. Искандар ҳукмронлиги, мўғуллар босқини, Қутайба қатағони, араблар истилоси, Ғазнавий зулми, руслар истибдоди Хоразмга жуда қимматга тушган. Лекин барибир бу муқаддас тупроқ ўзининг буюкларини яратишда давом этаверган. Улар шу азиз тупроқ учун жон тикканлар, қон ютганлар ва жангларда қурбон бўлганлар. Ҳар сафар қутлуғ қон эвазига Хоразмда яна ҳаёт пайдо бўлган ва равнақ топган.

Бироқ ҳар бир уруш ўзига қарама-қарши турган бир жасур хоразмликни кашф этган. Жумладан, Зардушт, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Абулғозийхон, Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II)нинг бу муқаддас тупроқ учун қилган жасоратлари тилларда достон бўлиб қолган. Лекин бу урушлар ана шу қудратли давлатни ҳам парчалаб юборган. Араблар босқинидан сўнг мамлакат иккига — Шимолий ва Жанубий Хоразмга ажралган. Шимолий Хоразм (пойтахти Гурганч), Жанубий Хоразм (пойтахти Кат ёки Қиёт) эди. Шундай бир қийин даврда Хоразмшоҳлар сулоласининг учинчи ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад 995 йилда ҳар иккала Хоразмни бирлаштириб, Хоразмшоҳ унвони билан давлатни идора эта бошлади. Бу даврда (1009-1017 йиллар) Хоразмнинг қудрати янада ошди. Гурганч маданий марказга айланди. Ўрта Осиё, Шарқ мамлакатлари олим, шоир, адибларини ўз атрофига тўплади. Хоразмда «Маъмун академияси»га асос солди. Унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулҳайр, Ибн Мискавайҳ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шабибий, Қамарий, ал-Қосий, Абулҳасан Маъминлар ижод қилдилар. Бу олимлар тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, физика, кимё, ҳикмат фанларининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Хоразм давлатини ўз елкасига кўтарган омиллар — илм-фан, маданият равнақи, мардлик ва жасорат тимсолидир.

Мирзо Улуғбек мадрасаси мударрислари Мир Саййид Шариф Журжоний ва Қозизода Румийлардек буюк олимлар хоразмлик Маҳмуд Чағминий астрономияга оид машҳур асарига шарҳлар ёзгани ва мадраса толибларига дарс берганини диққатга моликдир. Маҳмуд Чағминий Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний анъаналарини давом эттирган. Қозизода Румий ўз шарҳида: «Чағмин сўзи ал-Чағминий туғилган Хоразмдаги жой номидир» дейди. Ўша даврда Хоразм жаҳон миқёсидаги йирик илмий марказлардан бири бўлган.

Ота-боболари хоразмлик бўлган Насриддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота), Жалолиддин Румий, Абулқосим ал-Хоразмийларни бугун кўплар яхши билади.

Хоразм осмони бир кун мусаффо бўлса, бир кун булутли бўлгани тарихдан яхши маълум. Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг ўғли Такаш (1172-1200) ҳукмронлик қилган даврда Гурганжда Ал-Ханафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса ва кутубхона («дорул кутуб») қурдирган, мадраса талабаларини пул, озиқ-овқат, кийимкечак билан таъминлаб турган. Бундан ташқари Муҳаммад Ибн Иброҳим абу Абдуллоҳ ас-Саноний, Муҳаммад ал-Гурганжий, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Арслон Заҳириддин ал-Хоразмий, Абу Муайяд Ал-Хоразмий, Абу Бакр, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий каби машҳур мударрис ва муҳаддис олимлар Бағдод, Сурия, Ироқ, Ҳижоз, Дамашқ, Самарқанд, Бухоро мадрасаларидан Хоразм донғидан чўчиган Маҳмуд Ғазнавий унга юриш қилди ва ўз давлатига қўшиб олди. Олтинтошни эса Хоразмшоҳ унвони билан Хоразмга ҳоким этиб тайинлади, олимлару шоирларни эса ўз юртига олиб кетди. Кейин Хоразм Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди. Жалолиддин Отсиз Хоразмшоҳ ўз навбатида салжуқийлар давлати инқирозга юз тутаётганидан фойдаланиб, мустақил сиёсат юритди ва ўз ҳудудини кенгайтирди. Кейин бу мамлакатга Эл Арслон (1156-1172), Алоуддин Такаш ибн Эл Арслон (1172-1200) ва Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилдилар.

Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг ўғли Такаш (1172-1200) ҳукмронлик қилган даврда Гурганжда Ал-Ханафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса ва кутубхона («дорул кутуб») қурдирган, мадраса талабаларини пул, озиқ-овқат, кийимкечак билан таъминлаб турган. Бундан ташқари Муҳаммад Ибн Иброҳим абу Абдуллоҳ ас-Саноний, Муҳаммад ал-Гурганжий, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Арслон Заҳириддин ал-Хоразмий, Абу Муайяд Ал-Хоразмий, Абу Бакр, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий каби машҳур мударрис ва муҳаддис олимлар Бағдод, Сурия, Ироқ, Ҳижоз, Дамашқ, Самарқанд, Бухоро мадрасаларидан Хоразм донғидан чўчиган Маҳмуд Ғазнавий унга юриш қилди ва ўз давлатига қўшиб олди. Олтинтошни эса Хоразмшоҳ унвони билан Хоразмга ҳоким этиб тайинлади, олимлару шоирларни эса ўз юртига олиб кетди. Кейин Хоразм Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди. Жалолиддин Отсиз Хоразмшоҳ ўз навбатида салжуқийлар давлати инқирозга юз тутаётганидан фойдаланиб, мустақил сиёсат юритди ва ўз ҳудудини кенгайтирди. Кейин бу мамлакатга Эл Арслон (1156-1172), Алоуддин Такаш ибн Эл Арслон (1172-1200) ва Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилдилар.

Хоразмшоҳ Эл Арслоннинг ўғли Такаш (1172-1200) ҳукмронлик қилган даврда Гурганжда Ал-Ханафия мазҳабидаги илм толиблари учун мадраса ва кутубхона («дорул кутуб») қурдирган, мадраса талабаларини пул, озиқ-овқат, кийимкечак билан таъминлаб турган. Бундан ташқари Муҳаммад Ибн Иброҳим абу Абдуллоҳ ас-Саноний, Муҳаммад ал-Гурганжий, Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Арслон Заҳириддин ал-Хоразмий, Абу Муайяд Ал-Хоразмий, Абу Бакр, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Толиб ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Хоразмий каби машҳур мударрис ва муҳаддис олимлар Бағдод, Сурия, Ироқ, Ҳижоз, Дамашқ, Самарқанд, Бухоро мадрасаларидан Хоразм донғидан чўчиган Маҳмуд Ғазнавий унга юриш қилди ва ўз давлатига қўшиб олди. Олтинтошни эса Хоразмшоҳ унвони билан Хоразмга ҳоким этиб тайинлади, олимлару шоирларни эса ўз юртига олиб кетди. Кейин Хоразм Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди. Жалолиддин Отсиз Хоразмшоҳ ўз навбатида салжуқийлар давлати инқирозга юз тутаётганидан фойдаланиб, мустақил сиёсат юритди ва ўз ҳудудини кенгайтирди. Кейин бу мамлакатга Эл Арслон (1156-1172), Алоуддин Такаш ибн Эл Арслон (1172-1200) ва Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилдилар.

Шундай қилиб, Хоразмда халқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ўсиши, суғориш асосидаги деҳқончилик, ҳунармандчилик, санъат ва адабиёт, ҳарбий ишлар ва давлатни бошқариш усулларининг такомиллашиши илмий билимларнинг ривожига бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бу даврда Хоразмда фиқҳ, ҳадис ва илоҳий билимларнинг бошқа соҳалари ҳамда математика, фалакиёт, география, геодезия, кимё, тарих, фалсафа, адабиёт, ҳуқуқшунослик, табобат, мусиқашунослик ва бошқа фанлар бўйича машҳур мутафаккирлар етишиб чиқдилар. Ҳар бир ҳукмдор ўз саройида фаннинг ҳамма соҳаларидан хабардор олимларни тўплашга ва бой кутубхоналар, мадрасалар барпо этишга ҳаракат қилди. Ҳукмдорлар орасида Хорун ар-Рашид (786-809) ва унинг ўғли ибн Ал-Маъмун (813-833), Хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад, Али ибн Маъмун, Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун, Муҳаммад ибн Ануштегин, ал-Малик Абу Музаффар Алоуддин Жалолиддин Отсиз, Алоуддин Таҳанинг гулгун боғларини яшнатиб ўсувчи дарахтлар қариди. Собиқ шўролар ҳукмронлигидан бизга шўрланган пахта майдонлари ва сўлиган боғлар, илдизлари чириб, қуриб қолган гужумлар қолди.

Яхшики, Ўзбекистон озодликка эришди. Бу мустақиллик Хоразмга ҳам яна янги истиқболли ҳаёт бағишлади. Одамлар эмин-эркин яшай бошладилар. Қадриятлар тикланди, халқ яна уйғонди ва бутун бир мамлакатда бунёдкорликлар бошланди. Хоразм аҳли ҳам хайрли ишларнинг бошида бўлди. Жумладан, Хивининг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Урганчда «Авесто» боғи яратилди. Жалолиддин Мангубердига мухташам ҳайкал ўрнатилди ва Хоразм вилояти Мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланди. Президентимиз эса юксак орденни вилоят аҳлига топширди. Аз-Замахшарий шарафига Хоразмда боғ барпо этилди.

Юртбошимиз: «Агар мендан, Хоразм аҳли аввало, қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «Ғурури билан» деб жавоб берган бўлур эдим» деган эди Хоразмга Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимида. Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд.

Хоразмнинг муқаддас тупроғига қадим ўтган буюк аждодларимизнинг савобли ишлари қайтди, ёзган асарлари, тўплаган хазиналари, яратган обидалари ва мероси қайтди. Бутун дунёни уйғотган, жаҳонга илм-фан «офат»ини ёйган ўша машҳур «Маъмун академияси» қайтди. Ушбу Академиянинг 1000 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан 2004 йилда халқаро миқёсда кенг нишонланади. Буларнинг барига Юртбошимиз Ислом Каримов сабабчи бўлди, оқ фотиҳа берди. Иншоаллоҳ, энди бу муқаддас тупроқ ҳали дунёга яна неча-неча тафаккури кенг буюкларни етказиб беришга ҳеч ҳам шубҳа йўқ. Ўзбек маданияти, адабиёт ва санъатида, илму фанида Хоразмнинг ўз овози бор, ўз сози бор, ўз навоси бор. Комилжон Отаниёзов ва Эгам Раҳимнинг издошлари бор. Хоразмнинг Матёқуб Қўшжонов, Исо Жабборов, Гулмирза Худойберганов, Эркин Самандар, Омон Матжон, Ошиқ Эркин, Матназар Абдулҳакими бор. Хоразмнинг муқаддас тупроғида янги Истиқлол авлоди улғаймоқда. Иншоаллоҳ, бу авлоднинг келажаги порлоқ бўлғай!

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

ЗАМОНАВИЙ ПАРЛАМЕНТ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Парламент давлат бошқарувининг умумдемократик тамойили сифатида дунёнинг кўп мамлакатларида жорий этилган. Мустақил Ўзбекистон ҳам шу тамойилларга амал қилган ҳолда миллий парламентни шакллантирмоқда. Бу икки палатали парламент тизими бўлиб, юқори (Сенат) ва қуйи (Қонунчилик) палаталардан иборат бўлади.

Албатта, икки палатали парламент тизимининг шаклланиши умумдемократик тамойилларга амал қилиш билан чекланиб қолмайди, унинг моҳиятини миллий давлатчилигимизга хос халқчил бошқарув анъаналарини тиклаш ташкил этади.

Буюк давлат арбоби Амир Темур ўзининг амалий фаолиятига асосланиб тузган «Темур тузуклари»да давлатни демократик асосда бошқаришга доир миллий тамойилларни батафсил баён этган. Улуғ ҳукмдор давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, адолатли бошқарув усулини жорий этишда жамиятда мавжуд турли тоифа ва табақаларнинг ўзига хос манфаатларини эътиборга олиш зарурлигини уқтиради. У фуқароларни ижтимоий мавқеи, касб-корига қараб ўн икки тоифага бўлади ва уларнинг ҳар бирига бошқарувда қандай муносабатда бўлиш лозимлигини бирма-бир кўрсатиб ўтади. Масалан: у салтанатни бошқаришда иштирок этувчи иккинчи тоифа кишилар сафига ақлли кишилар, кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишиларни киритган.

Миллий давлатчилигимизга хос бўлган бу тамойил янги типдаги икки палатали парламент ташкил қилиш ғоясига асос қилиб олинди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ мамлакат Президенти Сенат аъзоларидан 16 нафарини шахсан ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг халқ депутатлари Кенгашлари тенг миқдорда, 6 нафардан сенаторларни танлаб парламентга киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу тариқа парламент аъзолари сафини жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган, катта тажриба ва малакага эга бўлган, халқ ичида ўзининг меҳнати, садоқати билан юксак обрў-эътибор қозонган комил инсонлар билан тўлдириш имконияти юзага келади. Бундай шахслар орамизда кўп.

Янги парламентнинг миллий жиҳатлари таъминланишига яқиндан ёрдам берадиган бу омиллар хусусида тўхталиб, қуйидаги айрим фикрларимиз билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Шарқда оқсоқоллар кенгаши ҳар доим устувор мақсга эга бўлган ва давлат бошқарувида ҳал қилувчи куч ҳисобланган. Уларга бу ҳуқуқни шахсий лаёқатига кўра халқ берган ва уларнинг ортидан эргашган. Бу тоифадаги кишилар учун парламент эшикларининг ҳар доим очиқлиги бошқарувда нафақат миллий анъаналарнинг тикланишига ёрдам беради, шу билан бирга унинг фаолиятининг самарали ҳаракат механизмига ҳам айланиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, парламентимизнинг миллий хусусияти ҳам аслида шунда яққол намоён бўлади. Масалага бундай ёндошиш зарурлигининг қатор объектив сабаблари бор.

Биринчидан, янги парламент фаолиятининг профессионаллашуви кутилмоқда. Унинг аъзолари юксак интеллектуал салоҳиятга эга кишилардан иборат бўлади ва улар ўз фаолиятини ташкил этишда муносиб мухолифатдаги кучларга эҳтиёж сезадилар. Кўппартиявий парламент ишида ижобий мухолифатнинг бўлиши шарт. Мухолифат парламентда мавжуд сиёсий кучларнинг куч-қудратини адолат тарозусига солиб турадиган, унинг равнақи учун янгидан-янги ривожланиш тамойилларини ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий воқеликдир.

Сайловчи билан депутат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳозиргача ўзининг тор турмуш манфаатлари доирасидан ташқарига чиқиб кета олмаяпти. Биз бундай ачинарли ҳолатларнинг салбий оқибатларини олдинги сайловлар жараёнида кўп кўрдик. Энди сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан сайланаётган халқ депутатлари ўз номзодини қўйишда унинг интеллектуал салоҳияти, давлат бошқарув тафаккурига эгалиги ва умуммиллий муаммолар ечимида шахсий, мустақил фикр билдира олишига асосланиши керак.

Иккинчидан, парламентда сиёсий партиялардан ташкил топган фракциялар ўртасида ўзаро тортишув, баҳс, мунозаралар бўлиши табиий ҳол. Бу тортишувларда томонлар ўз позицияларида қатъий туриб олиши ва ён беришни хоҳламаслик ҳолатлари кузатилиши мумкин. Шундай ҳолатлар юзага келган пайтларда умумхалқ манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрларини холис баҳоловчи, ривожланиш ва тараққиётга эришиш йўлини танлашда бир-бирига ён беришга, муросага келишга чақирувчи мустақил кучлар бўлиши зарур. Бу мураккаб жараённи ҳар доим ҳам қонун кучи билан ҳал қилиш мумкин бўлавермайди. Демак, парламентда мунозарага киришувчи томонлар позициясини холис ва бегараз баҳолаши мумкин бўлган кучлар бўлиши керак деган хулоса мантиқан келиб чиқади.

Учинчидан, бу омил ёрдамида Ўзбекистондаги сиёсий ҳокимиятга мухолифат кучлар томонидан демократияни бўғишда қўйилаётган асоссиз айблар ва ўринсиз талабларга барҳам бериш мумкин бўлади.

Бизнинг мақсадимиз янги парламент фаолиятини миллий давлатчилигимиз анъаналари асосида ташкил этиш ва халқ ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш йўлларини қидириш, холос. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш жамиятимизда демократиянинг янада мустаҳкамланишига ва мамлакатимизнинг буюк келажак сари дадил қадам ташлашига олиб келади.

Миллий давлатчилигимиз тарихида янги типдаги парламентни шакллантириш учун бой маънавий қадриятлар ва самарали бошқарув усуллари мавжуд. Бу имкониятларнинг юзага чиқиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг, ташаббускор гуруҳларнинг сайловолди кураш стратегияси ва тактикасига боғлиқ.

Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Болалар спорти ҳомийлари

«АКА-УКАЛАРНИНГ КУРАШ КЛУБИ»

Избоскан тумани маркази Пойтуғ қўрғонида ака-ука Муҳаммадали, Мақсудали, Мирзаали, Аҳмаджон, Ёрмуҳаммад Мамажоновларни ҳамма танийди. Бешаласи ҳам спортчи. Самбо, грек-рум кураши ҳамда эркин кураш бўйича бу атрофда уларнинг олдига тушадигани топилмаса керак. Аммо, муҳими бу эмас. Ака-укалар спортга, аниқроғи, курашга ихлосманд болалар учун шарт-шароит яратиш мақсадида хайрли ишга қўл уришди. Улар ўз маблағлари ҳисобига халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт комплекси барпо этишга киришдилар. Туман ҳокимлиги ака-ука спортчиларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ажратилган жойда қисқа муддатда икки қаватли кураш комплекси қад ростлади. Айни пайтда бу ерда сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари кетаяпти. Мустақилликнинг ўн уч йиллиги арафасида «Ака-ука Мамажоновларнинг кураш клуби»ни фойдаланишга топшириш мўлжалланган.



Суратларда:
грек-рум ва эркин кураш бўйича спорт устаси, ёшлар мураббийси Мирзаали Мамажонов;
халқаро мусобақалар ўтказса ҳам бўладиган даражада барпо этилган кураш клубининг ички ва ташқи кўринишлари.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Шеър ва шуур

ИСТИҚЛОЛ ҒАЗАЛЛАРИ

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН МАНГУ

Асрларким элим сенга
Эди зор, ташна, Истиқлол,
Шукурларким насиб этдинг
Мисоли чашма, Истиқлол.
Бўлиб обиҳаёт кирдинг
Кўнгиллар мулкига, ҳай-ҳай,
Умидлар гул очиб, қўнди
Ҳумо ҳам бошга, Истиқлол.
Ватан мангу баҳористон,
Чаман бўлди сўлу соғлар,
Ажиб зийнат ато этдинг
Бари тоғ, тошга Истиқлол.
Шаҳарлар кўркида сеҳринг,
Етиб ҳар гўшага меҳринг,
Заминни ҳам ёшартирдинг
Тағин минг ёшга Истиқлол.
Сўник юзларга нур бердинг,
Синиқ дилларни бут айлаб,
Меҳрни жойладинг мангу
Кўзу ё қошга Истиқлол.
Муқаддас неъматинг ҳурлик
Ғанимга ёқмагай, не тонг,
Шу боис гоҳ ҳасадгўйлар
Тегарлар ғашга, Истиқлол.
Шуни ҳукм айламиш Оллоҳ:
Тушар ким сенга қазса чоҳ,
Ватан огоҳ, элим огоҳ,
Абад кул, яшна, Истиқлол.
Йўлинг нурли, ишинг ҳурлик
Ярашгай менга мағрурлик,
Шу важдан бир умр илҳом
Ҳабибга ошно, Истиқлол.

ХЎРЛИК ЁМОН

Барча ночорликлар ичра
Манглайи шўрлик ёмон,
Манглайи шўрлик туфайли
Эл аро хўрлик ёмон.
Гарчи очликка чидарсан,
Ҳарки қашшоқликка ҳам,
Бошинг узра ўзгаларнинг
Қамчиси — зўрлик ёмон.
Ҳарки кулфат келса бошга
Илдизин дилдан қидир,
Яъни ўргимчак инидек
Қуршаган тўрлик ёмон.
Даста ақча, катта луқма,
Лаҳза лаззат дардида
Дўст — ғаним фарқига бормай
Қолганинг — кўрлик ёмон.
Кимга тобе, кимга муте
Кимга хизматкор бўлиб,
Ору номусингни топтаб
Қилганинг гўрлик ёмон.
Хўрлигу қашшоқлигингга
Ҳақ даво топгай, вале.
Ҳақ кўзида, эл кўзида
Билки судхўрлик ёмон.
Нону туз берган Ватанни,
Меҳрибон дўстни сотиб,
Эй, Ҳабиб, нонкўрлик этма,
Билки, нонкўрлик ёмон.

АСРАГАЙ

Сизни мансаб асрагайдир,
Бизни матлаб асрагай,
Яъни эзгулик ўқитган
Катта мактаб асрагай.
Катта мактабдан иборат
Бу ҳаётнинг ҳар куни,
Гоҳи зулмат ичра қолсак
Кун чарақлаб асрагай.
Сиз самога талпинурсиз
Кибрингиз айлаб қанот,
Бизни заҳматкаш замин
Фарзанди англаб асрагай.
Сизга бойлик бахш этибдир
Кўрку обрў, мартаба,
Бизни бўлса мустамандлик
Сабр айлаб асрагай.
Сизга тўймаслик юқибдир,
Биз қаноат бандаси,
Шоҳи Искандар сабоғи
Заб тарашлаб асрагай.
Ганжу давлат майли сизга
Биз муҳаббатнинг қули,
Сизни дунё асраса
Бизни шакарлаб асрагай.
Биз каби бечоралардан
Кулмангиз девона, деб
Ким Ҳабиб девонани ҳам
Шоҳи Машраб асрагай.

КОСОНСОЙДА

Агар жаннат сўзига
Истасанг маъно — Косонсойда,
Не маъно, балки ул
Жаннат деган маъво Косонсойда.
Магар сут оқмагай сойдан,
Суви сутдай ҳалол, покдир,
Ҳалоллик деб аталган
Беғубор дунё Косонсойда.
Шифо сизгай булоғидан,
Шифо мармар ҳавоси ҳам,
Нафас шимганда қалбинг,
Бўлғуси дарё Косонсойда.
Мурувватли худобахш
Айламиш тенгсиз тароватни
Сўлим боғларда тинмай,
Сайрагай гўё Косонсойда.
Агар ризвон эса тимсол
Гўзалликда билинг, ҳар қиз.
Бирам нозик, бирам хушфеъл,
Бирам доно Косонсойда.
Бу маъвога бўлиб посбон,
Турар тоғлар кериб кўксин,
Қилолмасдир риё зинҳор,
Ҳуқуқ даъво Косонсойда.
Шу тоғлардан олиб ибрат,
Тутиб қадрин баланд доим,
Ўзига, ўзага ҳурмат,
Мудом ошно Косонсойда.
Жаҳл ўрнин ақл олмиш,
Меҳр қаҳр ўрнида ҳоким,
Сабаб — Тоштиллахонзода
Убайдулло Косонсойда.
Шу боис қайси бир ишга,
Қўлин урса барор топгай,
Агар ҳиммат эса байроқ,
Имон туғро Косонсойда.
Мусаффодир само бунда,
Мусаффодир ҳаво, мақсад
Кўнгил амрини ҳар одам,
Этур ижро Косонсойда.
Ҳабиб ҳар галги ташрифда,
Унутгай кексалик, дардин,
Йигитлик фаслига қайтиб,
Қилур ялло Косонсойда.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш Сайитов жавоб беради.

Савол: Кредиторларнинг талаблари қандай йўллар билан қаноатлантирилади?

Ш.Субонов, Тошкент вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасига мувофиқ юридик шахс тугатилаётганида биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек, ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Бошқа кредиторларнинг талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда қаноатлантирилади.

Савол: Юридик шахслар қандай тартибда вужудга келади?

Ф.Бобобеков, Тошкент вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-моддасига асосан юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари ҳисобланади.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 21,24,28 сентябрь, 5,8,12,15,19,22,26,29 октябрь ҳамда 2,5,9,12,16,19,23,26,30 ноябрь кунлари ўтказадиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи:

— Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,04 га.дан иборат бўлган 3 та ер участкаси, ҳар бири 2 288 000 сўм бошланғич нарх билан; майдони 0,03 га. бўлган 1 та ер участкаси 1 716 000 сўм бошланғич нарх билан;

— Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида жойлашган, ҳар бирининг майдони 0,03 га.дан иборат бўлган 2 та ер участкаси, ҳар бири 2 772 000 сўм бошланғич нарх билан; майдони 0,031 га. бўлган 1 та ер участкаси 2 864 400 сўм бошланғич нарх билан.

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

— А.Икромов туманида, маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қуриш учун мўлжалланган, 23-мавзеда, майдони 0,06 га. бўлган ер участкаси 7 907 268 сўм бошланғич нарх билан; 11-мавзеда, майдони 0,03 га бўлган ер участкаси 3 444 768 сўм бошланғич нарх билан;

— Бектемир тумани, «Сувчи» даҳасида савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,015 га. бўлган ер участкаси 1 733 268 сўм бошланғич нарх билан;

— Яккасарой тумани, Чўпон ота кўчасида дўкон қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,006 га. бўлган ер участкаси 1 026 618 сўм бошланғич нарх билан;

— М.Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчасида стоматология клиникаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,011 га. бўлган ер участкаси 1 679 368 сўм бошланғич нарх билан;

— Юнусобод тумани, «Тошгрэс» мавзеси, Ж.Обидова кўчасида, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,01 га. бўлган ер участкаси 893 268 сўм бошланғич нарх билан;

— Сирғали тумани, Алавия кўчаси, 8- ва 7-мавзелар оралиғида, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,015 га. бўлган ер участкаси 2 510 268 сўм бошланғич нарх билан; Тошкент автомобиль халқа йўлида, Болалар реабилитацион маркази, маиший хизмат кўрсатиш ва умумовқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,15 га. бўлган ер участкаси 3 518 268 сўм бошланғич нарх билан;

ҳамда Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб чиқариш бош бошқармасининг 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АХ 321 бўлган «Нексия GLE» русумли автотранспорт воситаси 2 091 529 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига эгалик ҳуқуқи учун савдодан уч кун аввал, ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи учун савдодан бир кун аввал соат 18.00 да, автотранспорт воситалари учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнаш истагини билдирган талабгорлар ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқи учун бошланғич нархнинг 5% миқдорида, қолган объектлар учун бошланғич нархнинг 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

«ОҚТОШДОН» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Оқтошдон» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 29 август куни соат 12.00 да Самарқанд вилояти, Оқтош шаҳри, Ж.Мирзаев кўчасидаги «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг,мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарорини бажариш бўйича «Оқтошдон» АЖ билан «Каттақўрғондон» АЖни қўшиш тўғрисида.
2. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятига «Каттақўрғондон» акциядорлик жамиятини бирлаштиришни тасдиқлаш.
3. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятига «Каттақўрғондон» акциядорлик жамиятини бирлаштириш бўйича тузилган шартномани тасдиқлаш.
4. «Оқтошдон» акциядорлик жамиятига «Каттақўрғондон» акциядорлик жамиятини бирлаштириш бўйича қўшма йиғилиш жорий йилнинг 29 август куни соат 16.00 да ўтказилсин, кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

а) «Оқтошдон» АЖ устав фондини «Каттақўрғондон» АЖ устав фондига бирлаштириш ҳамда жамиятнинг давлат улушига ҳисобланган дивидендлар суммасидан 2173 минг сўмини давлат улушига бериш.

б) «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

в) Ҳар хил масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Республика акциядорлик тижорат

«ҒАЛЛАБАНК»

бошқаруви ва меҳнат жамоаси

серқуёш Ўзбекистон халқини, шу жумладан,
ўз мижозлари ва акциядорларини

ВАТАНИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ
13 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

муносабати билан чин дилдан муборакбод этади.

Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва ҳар бир хонадонга файзу барака тилайди.

*Қутлуғ байрамга туҳфа сифатида янги «SHODIYONA» омонат турини таклиф этади. Ушбу омонатга ўз пул маблағларингизни жорий йилнинг **15 сентябригача** қўйишингиз ҳамда **2 ой** ҳисобидан 6 фоиз миқдорида даромад олишингиз мумкин.*

«ҒАЛЛАБАНК»

ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

БУХОРО ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Маълумки, сурқуёш диёримиз Истиқлол йилларида ҳар томонлама ривожланди. Иқтисодий ва маънавий соҳада ўсиш кўзга ташланяпти.

Истиқлол туфайли бизнинг аэропортимиз ҳам халқаро аэропорт мақомини олди. Жаҳон андозаларига мос аэропорт бунёд этилди. Йўловчилар эса мамнун.



Азиз юртдошлар!

Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги ва порлоқ келажаги учун қилаётган ишларимизда барчамизга омад ёр бўлсин!





«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ»

акциядорлик жамияти жамоаси

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳисса қўшаётган барча ватандошларимизни самимий мубораквод этади.

13 йилдан буён истиқлол нашидасини сураётган халқимиз бу олий неъматни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш зарурлигини, у шунчаки берилмаслигини теран англаб етди. Шу йиллар мобайнида корхонамиз ҳар жиҳатдан юксалди, цемент ишлаб чиқариш саноатининг гигант корхонасига айланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами цементнинг учдан икки қисми «Қизилқумцемент»га тегишли эканлигини таъкидлаш бизга мамнуният бахш этади.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

БИР ҚОНЛИ БЕДОДЛИК ТАРИХИ

II.ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАНЛАРНИНГ СОНИ ВА ЖАЗО ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Қатағон қилинадиган барча қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа аксилшўровий унсурлар икки тоифага бўлинади:

а) юқорида тилга олинган унсурларнинг энг ашаддий душманлари биринчи тоифага киритилади. Бу тоифага кирганлар дарҳол ҳисбга олинади ва учликнинг қарори асосида ОТИШГА ҳукм қилинади.

б) иккинчи тоифага унча фаол бўлмаган, аммо душман кайфиятидаги барча унсурлар киради. Улар ҳам дарҳол қамоққа олиниб, 8-10 йиллик муддатга лагерларга жўнатилади, уларнинг энг ашаддийлари ва ижтимоий хавфлилари эса учликнинг қарорида белгиланган муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилади.

2.Республика НКВДлари *(Ички ишлар халқ комиссариятининг номи ўрганиш бўлиб қолган русча шаклда қолдирилди* — тарж.) халқ комиссарлари ва НКВДнинг ўлка ва область бошқармалар бошлиқларининг тақдимига мувофиқ қатағон қилинадиганларнинг сони қуйидагича тасдиқланади:

		Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	Жами
1.	Озарбойжон ССР	1500	3750	5250
2.	Арманистон ССР	500	1000	1500
3.	Белоруссия ССР	2000	10000	12000
4.	Грузия ССР	2000	3000	5000
5.	Қирғизистон ССР	250	500	750
6.	Тожикистон ССР	500	1300	1800
7.	Туркманистон ССР	500	1500	2000
8.	**Ўзбекистон ССР**	**750**	**4000**	**4750**
9.	Бошқирдистон АССР	500	1500	2000
10.	Бурят-Мўғул АССР	350	1500	1850
11.	Доғистон АССР	500	2500	3000
12.	Карелия АССР	300	700	1000
13.	Қабардин-Болқар АССР	300	700	1000
14.	Қрим АССР	300	1200	1500
15.	Коми АССР	100	300	400
16.	Қалмоқ АССР	100	300	400
17.	Марий АССР	300	1500	1800
18.	Мордова АССР	300	1500	1800
19.	Волгабўйи немислари АССР	200	700	900
20.	Шимолий Осетин АССР	200	500	700
21.	Татаристон АССР	500	1500	2000
22.	Удмуртистон АССР	200	500	700
23.	Чечен-Ингуш АССР	500	1500	2000
24.	Чувашистон АССР	300	1500	1800
25.	Азов-Қоradенгиз ўлкаси	5000	8000	13000
26.	Узоқ-Шарқ ўлкаси	2000	4000	6000
27.	Ғарбий Сибир ўлкаси	5000	12000	17000
28.	Красноярск ўлкаси	750	2500	3250
29.	Орджоникидзе ўлкаси	1000	4000	5000
30.	Шарқий Сибир ўлкаси	1000	4000	5000
31.	Воронеж области	1000	3500	4500
32.	Горький области	1000	3500	4500
33.	Ғарбий области	1000	5000	6000
34.	Иваново области	750	2000	2750
35.	Калинин области	1000	3000	4000
36.	Курск области	1000	3000	4000
37.	Куйбишев области	1000	4000	5000
38.	Киров области	500	1500	2000
39.	Ленинград области	4000	10000	14000
40.	Москва области	5000	30000	35000
41.	Омск области	1000	2500	3500
42.	Оренбург области	1500	3000	4500
43.	Саратов области	1000	2000	3000
44.	Сталинград области	1000	3000	4000
45.	Свердлов области	4000	6000	10000
46.	Шимолий област	750	2000	2750
47.	Челябинск области	1500	4500	6000
48.	Ярослав области	750	1250	2000
	Украина ССР			
1.	Харьков области	1500	4000	5500
2.	Киев области	2000	3500	5500
3.	Винница области	1000	3000	4000
4.	Донецк области	1000	3000	4000
5.	Одесса области	1000	3500	4500
6.	Днепропетровск области	1000	2000	3000
7.	Чернигов области	300	1300	1600
8.	Молдавия АССР	200	500	700
	Қозоғистон ССР			
1.	Шимолий Қозоғистон области	650	300	950
2.	Жанубий Қозоғистон области	350	600	950
3.	Ғарбий Қозоғистон области	100	200	300
4.	Қустанай области	150	450	600
5.	Шарқий Қозоғистон области	300	1050	1350
6.	Актюбинск области	350	1000	1350
7.	Қарағанда области	400	600	1000
8.	Олма-ота области	200	800	1000
	НКВД лагерлари бўйича	10000	—	10000

3.Тасдиқланган рақамлар тахминийдир. Республика НКВД халқ комиссарлари ва НКВД ўлка ва область бошқармалари бошлиқлари ушбу рақамларни мустақил равишда кўпайтириш ҳуқуқига эга эмас. Ҳар қандай шароитда ҳам рақамларни ўзбошимчалик билан кўпайтиришга рухсат этилмайди.

Вазият тасдиқланган ушбу рақамларни кўпайтиришни тақозо қилган ҳолларда республика НКВД халқ комиссарлари ва НКВД ўлка ва вилоят бошқармалари бошлиқлари менга асосланган тегишли тақдимномани жўнатишлари шарт.

Рақамларни камайтириш, шунинг баробарида биринчи тоифа бўйича қатағон қилишга мўлжалланганларни иккинчи тоифага ўтказиш ёки аксинча — иккинчи тоифадагиларни биринчи тоифага ўтказишга рухсат берилади.

4. Биринчи ва иккинчи тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг оила аъзолари, қоида тариқасида, қатағон қилинмайди.

Бундан мустасно:

а) фаол аксилшўровий фаолият билан шуғулланган оилаларнинг аъзолари. Бундай оила аъзолари учликнинг махсус қарори билан лагерларга ва меҳнат посёлкаларига жўнатилади.

б) биринчи тоифа бўйича қатағон қилинганларнинг оилалари агар чегара яқинида яшаётган бўлса, республикалар, ўлка ва областларнинг ичкарисидаги чегарадан узоқ ҳудудларга кўчирилади.

в) биринчи тоифа бўйича қатағон қилинганларнинг оила аъзолари Москва, Ленинград, Тбилиси, Ростов-Дон, Таганрог шаҳарларида, Сочи, Гагра, Сухуми туманларида яшаётган бўлса, бу манзиллардан чегарага ёндош ҳудудлардаги районлардан ташқари, бошқа ўзлари танлаган областларга сургун қилинади.

5. Биринчи ва иккинчи тоифа бўйича қатағон қилинганларнинг барча оила аъзолари ҳисобга олинсин ва уларнинг ортидан доимий равишда кузатув ўрнатилсин.

III. *ОПЕРАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ*

1.Операция 1937 йил 5 августдан бошлансин ва тўрт ой муддатда тугалланган.

Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ССРда операция 10 августдан, Шарқий Сибир области, Красноярск ва Узоқ Шарқ ўлкасида 15 августдан бошлансин.

2. Биринчи ўринда биринчи тоифага киритилган табақалар қатағон қилинади.

Иккинчи тоифага киритилган табақалар алоҳида фармойиш берилгунча қатағон қилинмайди.

Республикалар НКВД халқ комиссарлари, НКВД ўлка ёки област бошқармалари бошлиқлари биринчи табақага мансуб кишиларни қатағон қилишни тугаллаган бўлсалар ва иккинчи табақага мансуб шахсларни қатағон қилишни бошлашни лозим топсалар, ушбу операцияни амалга оширишдан олдин — менинг рухсатимни олишлари ва шундан сўнг операцияни бошлашлари шарт.

Барча ҳисбга олинганлар тўғрисида турли муддатларга лагерлар ҳамда қамоқларга банди этиш ҳақида ҳукм чиқарилгандан сўнг, қанча киши, қанча муддатга қамоқ ва лагерларга ҳукм этилгани менга билдирилсин. Ушбу маълумотларни олгандан сўнг маҳбусларни қанақа тартибда ва қайси лагерларга жўнатиш тўғрисида кўрсатма бераман.

3. Республикалар, ўлкалар ва областлар ҳудудлари мавжуд вазиятдан ҳамда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда оператив секторларга бўлинади.

Операцияни ташкил этиш ва амалга ошириш юзасидан республикалар НКВДси ва НКВД ўлка ва вилоят бошқармасининг муҳим оператив вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган масъул ходимлари раҳбарлигида ҳар бир сектор бўйича тезкор гуруҳ ташкил этилади.

Айрим ҳолатларда тезкор гуруҳ раҳбарлигига НКВД район ва шаҳар бўлимларининг тажрибали ва қобилиятли бошлиқлари тайинланиши мумкин.

4.Тезкор гуруҳлар зарур миқдордаги тезкор ходимлардан иборат таркибда тузилиб, улар ихтиёрига транспорт ва алоқа воситалари бириктирилсин.

Оператив вазиятнинг тақозосига кўра гуруҳларга ҳарбий ва милиция бўлинмалари бириктирилсин.

5. Тезкор гуруҳлар бошлиқларига қатағон қилинганларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, тергов ишларига раҳбарлик қилиш, айблов хулосаларини тасдиқлаш ва учликнинг ҳукмини ижро этишга раҳбарлик қилиш топширилсин.

Тезкор гуруҳ раҳбарлари ўз сектори ҳудудида операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун тўлиқ жавоб беради.

6. Ҳар бир қатағон қилинган шахсга нисбатан батафсил керакли далиллар ва фош қилувчи материаллар тўпланади. Шунинг асосида қамоққа олиш бўйича рўйхат тузилади ва тезкор гуруҳ раҳбари томонидан имзоланиб, 2 нусхада кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ички ишлар халқ комиссарига, НКВД область бошқармаси ёки бўлими бошлиғига жўнатилади.

Ички ишлар халқ комиссари, НКВД область бошқармаси ёки бўлими бошлиғи рўйхатни кўриб чиқиб, унга киритилган шахсларни қамоққа олиш тўғрисида санкция беради.

7. Тасдиқланган рўйхат асосида тезкор гуруҳ раҳбари тегишли шахсларни ҳибсга олади. Ҳибсга олиш ордер билан расмийлаштирилади. Қамоққа олиш пайтида тўлиқ тинтув ўтказилади. Топилган қуроллар, ўқ-дорилар, ҳарбий анжомлар, портловчи моддалар, заҳарловчи ва заҳарли моддалар, аксилинқилобий адабиётлар, қимматбаҳо маъданлар ва тангалар, қуйма бойликлар ва буюмлар, хорижий валюталар, нусха кўчириш ускуналари, ёзишмалар олиб қўйилиши шарт.

Мусодара қилинган нарсалар тинтув баённомасига киритилади.

8. Ҳибсга олинганлар Ички ишлар халқ комиссарлари, НКВД область бошқармалари ёки бўлимлари томонидан белгиланган манзилга тўпланади. Ушбу манзилларда ҳибсга олинганларни тўплаш учун тегишли бинолар бўлиши лозим.

9. Маҳбуслар қаттиқ қўриқланади. Уларнинг қочиб кетиши ёки бошқа кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича барча тадбирий чоралар кўрилади.

IV. *ТЕРГОВНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ*

1. Ҳар бир маҳбусга ёки маҳбуслар гуруҳига нисбатан тергов иши очилади. Тергов жадал ва соддалаштирилган тарзда олиб борилади.

Тергов жараёнида маҳбуснинг барча жиноий алоқалари фош этилиши лозим.

2. Тергов тугагандан сўнг иш кўриб чиқиш учун учликка юборилади.

Ишга қамоққа олиш ҳақида ордер, тинтув қарори, тинтув пайтида олинган материаллар, ашёлар, маҳбуснинг шахсий ҳужжатлари, анкетаси, унга дахлдор агентура-ҳисоб материаллари, тергов баённомаси қарори ва қисқача айблов хулосаси илова қилинади.

(Давоми бор)

Бахтиёр РИЗО

(Боши ўтган сонда)

XORIJDA

ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚИШДИ

Мустақил Давлат Ҳамдўстлигига аъзо бир қатор мамлакатлар, жумладан, Арманистон, Белорусия, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари БМТ Бош котиби Кофи Аннанга ёзма равишда мурожаат этиб, БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги сессияси кун тартибига 8-9 май кунларини Хотира ва келишув куни, деб аташ масаласи киритилишини сўрашган.

ИТАР-ТАСС маълум қилишича, мактубга юқорида санаб ўтилган давлатларнинг БМТдаги доимий вакиллари имзо чекишган. «2005 йилда дунё фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигини нишонлайди, — дейилади мактубда. — Иккинчи жаҳон урушида ғалаба кўп мамлакатлар халқлари саъй-ҳаракати эвазига қўлга киритилган. Бу эса ўз навбатида халқаро жамоатчиликнинг ўзаро жипслашувига олиб келди. БМТнинг ташкил топиши эса бунинг натижасидир. Миллионлаб дунё халқларининг қирилиши ва азобуқубати эвазига БМТ уставида ўз аксини топган, ҳеч бир муқобили йўқ жамоавий хавфсизлик тизими вужудга келди».

Мактуб муаллифлари БМТ томонидан 8-9 май Хотира ва келишув куни, деб аталиши тўғрисида Бош ассамблея резолюция қабул қилишини, шунингдек, янги жаҳон урушига йўл қўймаслик, тинчлик ва тараққиёт йўлида бутун инсониятнинг жипслашувига хизмат қилувчи Ассамблеянинг махсус тантанали мажлисини ўтказишни таклиф этмоқда.

ҚИШЛОҚЛАР КЎЧИРИЛАДИ

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Миср ҳукумати 4 мингга яқин оила истиқомат қилаётган жойларда археологик қазилмалар олиб борилиши кўзда тутилганлиги учун уларни бошқа жойларга кўчиришга қарор қилди.

Маданият вазири Фарух Хуснининг журналистларга берган интервьюсида айтишича, Ал-Қурна, Ал-Қарноқ қишлоқлари ва мамлакат жанубидаги Луксор шаҳрига яқин жойдаги Ал-Кабаш йўли атрофида яшаётган аҳолини кўчириш, уларга бошқа жойда уйлар қуриб бериш харажатларини ўз бўйнига олади.. Ат-Тариқ қишлоғида эса минг нафар оила учун уйлар қуриб битказилди.

Аҳоли кўчирилган жойларда кенг миқёсда археологик қазишма ишлари олиб борилади.

Қисқаси, Луксор атрофидаги барча қурилмалар бузиб ташланади ва у ерлар қўриқхона ҳисобига ўтказилади.

ҲАРБИЙЛАР КЕТИШИНИ ХОҲЛАМАЯПТИ

Жанубий Корея АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлик борасида олиб борадиган музокараларида Жанубий Кореяда жойлашган Америка қўшинларини қисқартириш масаласини тўхтатиб туришни илгари сурмоқчи. Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари берган хабарларга қараганда, — дейилади Associated Press агентлиги ахборотида, — Сеул АҚШнинг ўз ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарорини яна бир йилга кечиктириб туриш тарафдори.

Гап шундаки, июнь ойи бошларида расмий Вашингтон Жанубий Кореядаги ўзининг 37,5 минг кишилик ҳарбий контингентини 2005 йил охиригача 25 минггача қисқартириш ҳақида расмий Сеулни огоҳлантирган эди. Ўшандан бери 3600 га яқин ҳарбий бу ердан Ироққа кўчирилди.

Шу ҳафтанинг бошида эса АҚШ Президенти Жорж Буш Европа ва Осиёда жойлашган 60-70 минг кишилик АҚШ ҳарбий контингентини яқин 10 йил ичида глобал қисқартириш, яъни АҚШга кўчириб кетиш ҳақида маълум қилди. Буш бу қарорини «тез ҳаракатланувчи ихчам армия» тузиш хоҳиши борлиги билан асослади.

АҚШ миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Кондолиза Райс Бушнинг бу қарорини қўллаб-қувватлашини «Факс-Ньюс» телеканалига берган интервьюсида маълум қилди. «АҚШнинг хорижий давлатларда ўз ҳарбий базаларига эга бўлиши ва уни сақлаб туриши «совуқ уруш» даврида ўзини оқларди. Негаки, ўша даврда АҚШ ўзини собиқ Совет Иттифоқи ва Варшава шартномасига аъзо давлатлар таҳдидидан муҳофаза қилиши керак эди. Энди эса дунё ўзгарди, вазият бошқача» деди у CNN телекомпаниясига берган интервьюсида.

Бироқ АҚШ Демократик партиясидан президентликка номзоди кўрсатилган Жон Керри ўз сайловчилари билан бўлган учрашувда Жорж Бушнинг бу қарорини танқид остига олди. Бу ҳақда АР агентлиги хабар тарқатди.

Жон Керрининг фикрича, Президент Бушнинг қарори нотўғри. Негаки, хорижий базаларни қисқартириш Европа ва Осиёнинг АҚШ хавфсизлигига таҳдидини кучайтиради. Айниқса, Жанубий Кореядан 12 минг ҳарбийнинг олиб чиқиб кетилиши ядровий аслаҳалар ишлаб чиқариш борасида саъй-ҳаракатлар қилаётган Корея Халқ Демократик Республикасининг ўз позициясини кучайтиришига имконият яратади.

Аммо Кондолиза Райснинг айтишича, расмий Вашингтон ўз қарорида мустаҳкам қолади.



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
Товар сертификатланган.
«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.
Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63 факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

БОКСЧИЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА

Афинада ўтаётган XXVIII ёзги олимпиада баҳсларида кетмакет олти нафар боксчимизнинг нимчорак финал босқичига йўлланма олганлигини аввал хабар қилгандик. Сўнгги икки кун ичида «чарм қўлқоп» усталаримиз навбатдаги жангларни ўтказишди.

Ер куррасининг энг нуфузли мазкур мусобақаси олдидан мутахассисларимиз иқтидорли боксчилар Игорь Албров (91 кг.) ҳамда Рустам Саидов (+91 кг.)ларнинг имкониятларини юқори баҳолашганди. Мусобақанинг еттинчи кунида ушбу спортчиларимиз дастлабки учрашувларда рингга чиқдилар.

Элсаид Муҳаммад (Миср) ва Игорь Алборовлар ўртасидаги учрашувда дуранг натижа қайд этилди — 18:18. Сўнгра, ғолиб ҳакамлар қарорига кўра аниқланди. Бу борада жангнинг сўнгги сонияларида рақибига нисбатан фаолроқ ҳаракат қилган мисрлик боксчига омад кулиб боқди.

Одатда, спортчининг ғалабаси кўпроқ омад ва қуръага боғлиқ, дейишади. Дарҳақиқат, Грецияга жўнаш арафасида Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидов ҳам шунга алоҳида урғу берганди. Боксчимиз Афинада қуръага кўра, дастлабки учрашувда жаҳон чемпиони, кубалик Лопес Нунесга қарши рингга кўтарилди. Мутахассислар томонидан ўта оғир вазн тоифасидаги ушбу жанг олимпиаданинг финал учрашувига тенглаштирилди. Кубалик спортчи учрашув давомида тажриба ва маҳорат борасида вакилимизга нисбатан анча устун эканлигини намоён этди ва кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди.

19 август куни ўзининг илк учрашувини ўтказган Дилшод Маҳмудов (64 кг.) мухлисларни хурсанд қилди. У бразилиялик Матос Алессандрони очколар ҳисобида енгиб, нимчорак финал баҳсларига йўлланма олди — 26:16.

Айнан шу куни Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.)лар ўзларининг Афина олимпиадасидаги иккинчи ғалабаларини нишонладилар. Жазоирлик Абдельзани Кензини очколар ҳисобида катта фарқ билан мағлубиятга учратган Ўткирбек баҳсларни давом эттирадиган бўлди — 31:19. Энди ҳамюртимиз ярим финалга чиқиш учун туркиялик Эҳсон Йилдирим Тарҳонга қарши баҳс юритади. Нуфузли мусобақада ишқибозлар меҳрини қозонаётган фарғоналик Шерзод Ҳусанов эса Улисай Булиент (Туркия)га ҳеч қандай имконият қолдирмади — 23:9.

Кеча кечқурун боксчилар навбатдаги учрашувларда рингга чиқишди. Унда қуръага мувофиқ, дастлабки босқичдан нимчорак финалга тўғридан-тўғри йўлланма олган умидли спортчимиз Баҳодиржон Султонов (54 кг.) польшалик Андрей Лекзак билан куч синашди.

Шунингдек, мусобақа дастуридан жой олган бошқа спорт турлари бўйича ҳам вакилларимиз ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Жумладан, дзюдочимиз Абдулла Тангриев (+100 кг.), трамполин бўйича Екатерина Хилько, енгил атлетика баҳсларида Любовь Перепелова (100, 200 м.), Гузель Хуббиева (100 м.), милтиқдан ўқ отиш бўйича Алёна Аксёнова, Вячеслав Скоромнов (50 м.)лар ғолиблик учун майдонга тушди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: мусобақадан лавҳа.

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

Кўпчилик Олимпия ўйинларининг дастлабки кунларида қатор медаллар шодасини қўлга киритган Хитой спортчиларини умумжамоа ҳисобида ғолибликка асосий даъвогар санаётганди. Бир ҳафта давомида қўлга киритилган медаллар сони бўйича пешқадам бўлган хитойликлар мусобақанинг саккизинчи кунига келиб, пешқадамликни АҚШ спортчиларига бўшатиб беришди.

	О	К	Б	Ж
1. АҚШ	14	11	9	34
2. Хитой	14	9	6	29
3. Япония	9	4	2	15
4. Австралия	7	5	7	19
5. Украина	5	1	1	7
6. Италия	4	5	3	12
7. Франция	4	3	5	12
8. Германия	4	2	7	13
9. Россия	3	8	10	21
10. Туркия	3	0	1	4

Олимпиада дастуридан жой олган футбол учрашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Ҳозиргача тўрт гуруҳга бўлиниб, баҳсларни бошлаган бешқитъанинг энг сара ўн олти олимпия терма жамоаси дастлабки босқични ниҳоясига етказди.

Яқиндагина Euro-2004да кумуш медалга сазовор бўлган Португалия миллий терма жамоаси издошларининг гуруҳ учрашувларида бор-йўғи уч очко билан сўнгги поғонани эгаллагани, мамлакат ички чемпионати ўтказилмаётган Ироқ футболчиларининг чорак финалга чиққанлиги мусобақанинг энг шов-шувли воқеаларидан бири бўлди. Ироқликлар «D» гуруҳида Португалия олимпиячиларини 4:2 ва Коста-Рикаликларни 2:0 ҳисобларида енгиб, фақат Марокаш терма жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришганди.

Бугун ўтадиган чорак финал баҳсларида қуйидаги жамоалар ўзаро тўп суришади:

Мали — Италия, Ироқ — Австралия, Аргентина — Коста-Рика, Парагвай — Жанубий Корея.

Халқ ривоятлари

НОМОЗШОМГУЛ

Вали деди: Қадим замонларда Бойсун деган қишлоқда Моҳигул деган меҳнаткаш, жафокаш бир қиз яшаган экан. Бўйи етиб қолган бўлса ҳам бирорта одам эшигини тақиллатиб совчи бўлиб келмабди. Чунки қиз ҳабашга ўхшаган қоп-қора, бунинг устига бир қулоғи туғма чиноқ, бурнининг устида эса катта сўгали ҳам бор экан.

Наврўз айёми келди. Қўшниси отин буви Моҳигулнинг ичидаги дардини сезиб:

— Қизим, эртага Наврўзи олам, дерлар. Кун билан тун баробарлашган муқаддас кун. Агар сен Наврўз кечаси юрагингдаги орзуингни чин дилдан сўраб, ёлворсанг орзу-мақсадингга етгайсан, — деб маслаҳат берибди.

Моҳигул суйиниб, қўшниси отин бувининг айтганларини қилиб, ўша муқаддас кечада ёлвориб, нола қилиб яратгандан: «Менга тенгсиз ҳусн бер, оқшом чоғи гулдек очилиб, суюкли ёримни кутиб олай», деб илтижо айлабди.

Мўъжиза юз берибди. Аммо қизнинг ўзи айтганидек оқшом чоғи унинг ҳусни-жамоли гўзаллашиб, негадир куёш чиққач гўзал ҳусни яна ўз ҳолига келиб қолар экан. Ҳа, у Наврўз кирадиган кечада «оқшом чоғи гулдек очилиб, суюкли ёримни кутиб олай», деб илтижо этган эди-да. Худди, орзу қилганидай мўъжиза юз берганди. Шундай қилиб, Моҳигул кечқурун гўзаллашиб, кундузи ҳунуклашиб ҳаёт кечирар эди. Қишлоқдаги бир чўпон йигит шунга қарамай уни севиб, уйланибди. Йигит Моҳигулни ардоқлаб, «Менинг номозшомгулим» деб суярди. Улар бахтли-саодатли умр кечириб, уй-жойли, бола-чақали бўлиб узоқ ҳаёт кечирибдилар.

Ривоятларга қараганда, ҳовлимизда кечқурун, оқшом чоғида чаман бўлиб очиладиган номозшомгул Моҳигул севгиси билан туғилган, барчамизга эзгулик бахш этадиган саховатли гул эмиш.

ҚИРҚ ҚИЗ ҲИКОЯТИ

Жаннатсимон бир водий. Осмон билан туташиб кетган баланд қоялар. Пастда эса тезкор сой. Гўзал бир манзара. Ёзнинг иссиқ кунлари эди ўшанда.

Қаранг, қирқ нафар ҳур қиз чўмилиш учун сой бўйига тушиб келмоқда. Чўмилиш бошланди. Қизларнинг шўх кулгулари, қийқиғиғидан теварак-атроф гўё мунаввар бўлиб кетгандай. Сеҳрли, ҳеч қайтарилмас манзара.

Гўзалликка путур етди, осойишталик бузилди. Кутилмаганда тоғ дараларини отлар-нинг дупир-дупири тутиб кетди. Водийни ёв босди. Саросимага тушиб, қўрқиб кетган ҳури-ғилмонлар қий-чув кўтариб, жон-жаҳдлари билан қоча бошладилар. Суворийлар бўлса, қизларни кўриб, хирслари қўзғаб, оч бўридек уларга ташланадилар. Кутилишга кўзлари етмаган «пари қизлар» нопокларнинг қўлига тушиб асира бўлганидан кўра, тошга айланиб қолганимиз яхши», деб Аллоҳга ёлворишади. Шунда мўъжиза рўй беради-ю, илтижолари ижобат бўлиб, қирқта қиз бирдан тошга айланиб қолади.

Бу — афсона, албатта. Аммо Сурхондарё вилоятининг гўзал Бойсун воҳасидаги Мачой қишлоғида ана шу афсонага алоқадор «Қирқ қиз» деб номланган бир хушманзара жой бор. Қояга кўтарилиш жойида сиз тош бўлиб қотиб қолган ҳайкалларни кўриб ҳайратга тушасиз. Улар жон ҳолатда қўрқувдан тоғ томон қочиб кетаётган афсонавий ҳур қизларни эслатади. Эътибор билан разм солсангиз, баъзилари юқорига интилаётган, бошқаси қўрқиб орқасига қараётган, яна бири бўлса паноҳ истаб Аллоҳга ёлвораётгандай... Ҳа, Бойсундаги қирқ қиз афсонаси хусусида шундай қизиқ ривоят бор.

Мақсуд ҚОРИЕВ

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Машҳур ҳаким Ибн Сино хасталик тўшагида ётганда шогирдларидан бири сўрабди:

— Устоз, агар сиз ёруғ дунёдан кўз юмиб кетсангиз, ўрнингизга ким беморларни даволайди?

Шунда Ибн Сино:

— Мендан кейин ўрнимга қатиқ қолади, — дейди.

✧ ✧ ✧

Машҳур ҳаким Жолинус дебди:

— Ўз айби, камчилигини англамаган одамни ислоҳ қилишга уриниш фойдасиздир. Ўз айбингдан огоҳ бўл, камчиликларингни тузат, виждонсиз одамлар ва ҳушомадгўйларнинг риёкорона мақташларига алданма, гердайиб кетма.

✧ ✧ ✧

Буқротдан сўрабдилар:

— Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди?

Буқрот дебди:

— Ҳикмат барча нарсадан юқори тургай, адолат бинои эса ҳеч қачон вайрон бўлмагай.

✧ ✧ ✧

Абдураззоқ Самарқандай дебди:

— Агар сўздан ҳам олийроқ гавҳар бўлганда эди, у сўз ўрнига тушган бўлур эди.

✧ ✧ ✧

Бобокалонларимиз демишлар:

Биз яшаётган дунё, курраи заминнинг на боши бор, на сўнги, ҳеч кимса айтиб бераолмайди. Биз қайдан келдигу, қаён кетурмиз? Бу якка-ягона яратганнинг ўзига аён.

Узбекско-Казахское СП «KVARSPESOK» Рег. Минюст РУз №003108 от 2.12.1999 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение месяца со дня опубликования объявления. По адресу: г.Ташкент, Хамзинский район, ул. Исмаилова, 16.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Sohibjon SALIMOV
Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7748 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O`zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti — 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами билан муборакбод этади. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон, келажагимиз буюк бўлиб бораверсин. Азиз юртдошларимизни ва ажнабий фуқароларни бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларига ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга чорлайди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги «ГУЛПАРШИН» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«АЙДОС ҚАЛЪА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Тошкент шаҳридаги «ТУРОН» ОАЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари.

«ЧИНОБОД» ОАЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Хазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятидаги «БОТАНИКА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«УМИД ГУЛШАНИ» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Гинекологик ва андрологик касалликлар.

«ОҚТОШ» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Андижон вилоятидаги «МАРҲАМАТ» МЧЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

Бухоро шаҳридаги «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, хазм аъзолари ва андрологик касалликлари.

Жиззах вилоятидаги «ЗОМИН» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятидаги «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

«МИРОҚИ» МЧЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятидаги «ЧОРТОҚ» МЧЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«КОСОНСОЙ» МЧЖ санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон-томир, ҳаракат, хазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

«НИХОЛ» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.

Самарқанд вилоятидаги «АБУ АЛИ ИБН СИНО» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фарғона вилоятидаги «ЧИМЁН» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.

Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятидаги «ХОНҚА» санаторийсига

Даволаниш учун кўрсатма:

Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ —

18 КУН.

ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.